

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 34 (1306) • 2019 йил 20 август

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Улгуржи савдо корхонаси юк ҳам ташийти

3-бет

ХАТО ИНКАССО

Пулни қандай қайтарамиз

4-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

5-8-бетлар

ҚҚС: ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш

7-12-бетлар

1 августдан ЭКИХ ўзгарди. Уни қаерда қандай қўллаш керак?

13-14-бетлар

Божхона: қайси давлатдан импорт қилсам имтиёз бор?

15-бет

Саволлар ўзгартиришлар киритилган 22-сон БҲМСга доир

16-бет

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИМПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР СОТИШ ҲАЖМИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ҚҚС ТЎЛАЙДИ

Президентнинг 27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон Фармони билан белги-ланишича, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган тушум миқдоридан қатъи назар ҚҚС тўловчилари ҳисобланадилар. Ушбу нормани қўллашда кўп саволлар юзага келмоқда. buxgalter.uz илтимосига кўра саволларга молия вазирининг ўринбосари Дилшод Султонов жавоб беради.

– *Товарларни импорт қилувчи – қайта сотиш мақсадида хориждан моддий бойликлар олиб келадиган шахс. Бу тарифга қўшилсангиз, ўз эҳтиёжлари учун моддий бойликларни импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект 27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон Фармон талаблари остига тушмайдими?*

– Атамаларни амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилиш лозим. Экспорт-импорт масалаларини тартибга солидиган асосий ҳужжат – бу Божхона кодекси. Унинг 13-моддасида аниқ-равшан баён этилган: «Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк товар ҳисобланади». Шу сабабли Ўзбекистонга импорт қилинадиган барча қимматликлар ҳақида сўз борапти. Қимматликлардан ўз эҳтиёжи учун

фойдаланиш ёки сотишни мўлжал қилиш аҳамиятли эмас. Бу қайта сотиш учун олинган товарлар ёки ўз эҳтиёжлари учун олинган асосий восита бўладими, барибир 1 октябрдан ҚҚСни тўлашга ўтишга тўғри келади.

– *Бу ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кичик миқдорда, айтайлик, 50-100 долларлик хом ашёни бир марта импорт қилган корхона ҚҚС тўлашга ўтиши лозимлигини аниқлайдими?*

– Ҳа, Фармонда миқдорий мезонлар белгиланмаган. Бироқ саволда вазият гипотетик кўринишда баён этилган. Бундай кичик ҳажмлар учун ҳеч ким импорт билан шугулланмайдди. Товари исталган миқдорда етказиб берадиган ихтисослаштирилган фирмалар мавжуд.



– *Импорт шартнома қачон тузилгани аҳамиятга эгами? Масалан, у 2018 йил декабрда тузилган, товар эса 2019 йил апрелда етказиб берилган. Ушбу вазиятда импорт қилувчи ҚҚС*

2-бетда

Э Ў Л О Н

СИЗ 2020 ЙИЛ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА УЛГУРДИНГИЗМИ? ШОШИЛИНГ!!! СИЗНИ ҚИЗИҚАРЛИ БОНУСЛАР КУТМОҚДА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ «Солиқ ва бојхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига 2020 йил учун обуна кампаниясини давом эттириб,

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлиш газеталарни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга оммавий офертамаздан («СБХ»нинг 13.08.2019 йилдаги 33 (1305)-сонига қаранг) фойдаланган ҳолда 2020 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

Барча обуначилар учун бонуслар*:

1. «NORMA» ўқув марказининг 2 та профессионал семинарида иштирок этиш.
2. «NORMA» ўқув марказининг семинарларида ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш.
3. «Жавоб берамиз» хизмати экспертларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари бўйича ойда бир марта оғзаки маслаҳати.
4. «Нормальная карта-2020» дисконт картаси – «Gorod Skidok» дисконт дасту-

рининг ҳамкор-ташкilotларида (кафе ва ресторанлар, дўкон ва сервис марказларида) иш, рўзгор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган чегирмалар олиш ҳуқуқини беради.

5. «Poytaxt» радиоси орқали (хоҳишга кўра FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида) ўз раҳбари ёки бош бухгалтерини таваллуд кунлари билан кутлаш имконияти.

Обунани имтиёзли даврда (2019 йилнинг 31 августигача)

расмийлаштирган обуначилар учун бонуслар*:

6. 2019 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида «NORMA» ўқув марказининг 1 та семинарида қатнашиш.
7. «NORMA» ўқув марказида «Фойда солиғи» масофавий курсида ўқиш ҳуқуқини берадиган сертификат (1 обуна – 1 киши).
8. Дастлабки 1000 нафар обуначига – «Norma» АҚТ «Солиқ навигатори-2020»ни олиш ҳуқуқи /CD-дискларда/ (1 обуна – 1 CD).

*Санаб ўтилган бонуслар фақат 172, 186 индексли босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначиларга тақдим этилади.

ИМПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР СОТИШ ҲАЖМИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ҚҚС ТЎЛАЙДИ

1-бетда *тўлашга ўтиши лозимми?*

– Йўқ, ўтиши лозим эмас. Импорт қилувчиларни икки гуруҳга ажратиш керак. Биринчи гуруҳ – жорий йилда импорт битимларини тузган субъектлар. Улар импорт шартнома тузилган санани эмас, балки товар Ўзбекистоннинг божхона чегарасини кесиб ўтган санани эътиборга олишлари лозим. Бунда норма 2019 йил 1 октябрдан амалга татбиқ этилишини ҳисобга олинг. Шу боис ҳатто товарни 30 сентябрда божхонадан ўтказган бўлсангиз ҳам, бу қонда сизга татбиқ этилмайди. Импорт қилувчи 1 октябрдан кейин товарни импорт қилган бўлса, ҚҚСни тўлашга ўтиши шарт.

Иккинчи гуруҳ – 1 октябрдан кейин товар импорт қиладиган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан биринчи марта импорт қиладиганлар. Улар ҚҚС тўловчиси бўлмасалар, импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт. Яъни, масалан, тадбиркор 2019 йил 29 ноябрда импорт шартномасини тузган. У 1 декабрдан ҚҚС тўловчисига айланади.

– Ҳўжалик юртурувчи субъект ҚҚС тўлашга ўтишида тушум 1 млрд сўмга етганига қадар ЯСТ тўловини сақлаб туришига ҳақлими? Ёки унинг умумбелгиланган солиқларини тўлашга ўтиши ҳақида сўз боряптими?

– Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ у солиқ солишининг соддаштилган ва умумбелгиланган тизимларини танлаш ҳуқуқи сақланган ҳолда ҚҚС тўлашга ҳақлидир. Бунда у ЯСТ суммасини тўланган ҚҚС суммасига, бироқ ЯСТ суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорда қаммайтиради.

– Тушуми 3 млрд сўмдан ошмаган импорт қилувчи соддаштилган ҚҚСни тўлашга ҳақлими?

– Ҳа, ҳақли. Бу Солиқ кодексининг 40-1-бобидан назарда тутилган. Лекин, ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддаштилган тартиби импорт қилувчилар учун фойдали бўлмайди деб ўйлайман. Улар божхонадан ўтказишда тўланган солиқни ҳисобга ололмайдилар ва уларнинг товари ўзлари ва харидорлар учун ҳам кимматроқ бўлади.

– Амалиётдаги вазиятни қелтирамиз. ЯСТ тўловчи Ўзбекистон компанияси пудрат шартномаси бўйича хорижий компанияга қурилиш хизматларини кўрсатади. Пудратчи шартнома доирасида буюртмачининг манзилига келган материалларни божхона тозаловидан ўтказилади. Буюртмачи томонидан тузилган импорт шартномасида пудратчи юкни қабул қилувчи сифатида иштирок этади. Божхона тўловларига оид харажатлар буюртмачи томонидан алоҳида инвойс бўйича пудратчига қоплаб берилди. Мазкур ҳолатда Ўзбекистон компанияси импорт қилувчи ҳисобланадими?

– Йўқ, мазкур ҳолатда хорижий компания импорт қилувчи ҳисобланади. БЮДнинг Импортчи/юкни қабул қилувчи деган 8-графасида қуйидагилар кўрсатилади:

юкни қабул қилувчи – божхонада тозалашдан ўтказадиган корхона;

импортчи – буюртмачи.

Божхона кодексига божхона тўловларини бошқа шахс (импорт қилувчи эмас) тўлаши тақиқланмаган. Ҳар қандай манфаатдор шахс тўловчи учун божхона тўловларини тўлашга ҳақли (БКнинг 295-моддаси).

Ўзбекистон корхонаси тўлаган ҚҚС у томонидан ҳисобга олин-

майди, чунки бу ҚҚСни буюртмачи қоплаб бериши лозим.

– ҚҚСга ўтиши талабининг қўлланилиши бизнес юртишининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига ёки фаолият турига боғлиқми?

– Йўқ, боғлиқ эмас. Импорт қилувчи – юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўладими, ҳатто унинг фаолият тури ҳам аҳамиятга эга эмас. Масалан, ягона ер солиғини тўлайдиган кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчисини олайлик. У 50 гектар ер майдонига ва 1 млрд сўмдан ортиқ тушумга эга эмас, бироқ ўз эҳтиёжлари учун уруғ ёки асосий восита импорт қилган. Импорт шартнома тузилганидан кейин у ҚҚС тўловчи сифатида ҳисобга туриши шарт.

– Охири савол. Импорт қилувчи ҚҚСга ўтиши учун нима қилиши керак?

– У ушбу солиқ тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиши лозим. Бунинг учун у солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёки солиқ тўловчининг ҳисобга турган жойидаги давлат солиқ хизмати органлари ҳузуридаги «Маслаҳат хизмати кўрсатиш ойнаси»га тегишли ариза тақдим этиши лозим.

Эслатиб ўтаман, ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтмаганлик ва мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этмаганлик қуйидагиларга сабаб бўлади:

• солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш;

• энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача (223,0 – 669,0 минг сўм) жарима солиш;

• солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бўйин товланганлик учун қонунчиликда назарда тутилган бошқа жавобгарлик;

• унинг харидорларида ҳисобга олиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги.

buxgalter.uz



? Корхона маҳсулотни реализация қилиш учун етказиб беришга шартнома тузди. Шартномага мувофиқ маҳсулот тўлиқ юклаб ёқутилган. Харидор улар реализация қилинишига қараб пул маблағларини ўтказмақда. Бугунги кунда харидор-корхона тўловга қобилиятсиз ва қарзлари бор. Шу муносабат билан корхона қарзи жисмоний шахс томонидан сўндирилишига кафилик шартномасини тузишига қарор қилинди. Жисмоний шахс харидор-корхонанинг қарздорлигини сўндириши ҳисобига кейинчалик инкассация қилиниши учун дўкон кассасига нақд пул қилиниши мумкинми?

ЖИСМОНИЙ ШАХС ЮРИДИК ШАХС ҚАРЗИНИ НАҚД ПУЛДА СЎНДИРДИ

– Харидор-корхонанинг сизнинг корхона олдидаги қарзини сўндираётган жисмоний шахс пул маблағларини мустақил равишда сизнинг ҳисоб-китоб счётингизга тушириши мумкин.

Кафилик шартномасида назарда тутилган тақдирда, у пул маблағларини корхона кассасига ҳам топшириши мумкин.

Ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. (АВ томонидан 22.06.2015 йилда 2684-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 4-банди). Қарзни кафилик шартномаси асосида сўндираётганда жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётгани йўқ.

Савдони амалга ошириш, ишларни бажариш ёки аҳолига нақд пулга хизмат кўрсатишда НКМ қўлланилади (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарорига 1-қўлов). Харидор-корхона қарзининг жисмоний шахс томонидан сўндирилиши бундай операциялар ҳисобланмагани сабабли нақд пулни НКМ чекини расмийлаштирган ҳолда дўкон кассасига топшириш нотўғри бўлади.

Жисмоний шахс қарзини сўндириш ҳисобига пулларни корхона кассасига қилиниши мумкин. Олинган суммага кирим касса ордерини (ККО) расмийлаштиринг. Жисмоний шахсга муҳр билан тасдиқланган жавобгар бухгалтер ва кассирнинг имзолари қўйилган ККО қиванциясини беринг.

Нақд пулни банкка топширинг, бунда кафилик шартномаси асосида қарзни сўндириш суммаси топшириладигани кўрсатилган эълон расмийлаштирилади.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

УШБУ СОНДА:

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

– Импорт қилувчи сотиш ҳажмидан қатъи назар ҚҚС тўлайди

1-2-бетлар

• ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Жисмоний шахс юридик шахс қарзини нақд пулда сўндирди
– Ноль даражали ставка бўйича ҚҚС
– ЯИТ – 25 фоиз
– Шартнома шартларини қайта қўриб чиқинг
– Чегираладиган харажатлар 2-3-бетлар

• СОЛИҚ СОЛИШ

– Энг кам ижара тўловини ҳисобга олган ҳолда
– Ҳато инкассо
– Қайтарилмаган қарз: солиқ оқибатлари
– Имтиёз ҳуқуқсиз қайта ишлаш

4-бет

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини қўчайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини

қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»

5-8-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Қўшилган қиймат солиғи ҳақида нималарни билиш лозим

9-12-бетлар

• БУХГАЛТЕР УЧУН ШПАРГАЛКА

– Ҳисоб-китобларда қандай ЭКИХ қўлланилади

13-14-бетлар

• БОЖХОНА

– Халқаро битимлар асосида имтиёз ва преференциялар
– Тери экспорт қилиш имконияти
– Хусусий шахс учун сертификатсиз мебелни олиб келиш

15-бет

• МУТАХАССИС ШАРҲИ

– Импорт товарни тўғри кирим қиламиз

16-бет

Тахрират аноним хатларга муносабат бидирмаслик ҳақи, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни ўқинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА БЎЙИЧА ҚҚС

? Улгуржи савдо корхонаси (умумбелгиланган солиқлар тўловчиси, ҚҚС – 20%) яна бир фаолият – юрларни ташиш билан шуғулланади.

1. Хорижий буюртмачилар билан тузилган бевосита шартномалар бўйича хорижий транзит юрларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Қозғистондан Хайратон (Афғонистон) станциясигача ташишга ҚҚС солинадими?

2. Юрларни ташиш асосий фаолият тури ҳисобланмаса, бундай хизматларни кўрсатишдан даромад қайси сўт-да акс эттирилади?

1 Корхонанинг тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказиш асосида амалга оширилади.

Хорижий буюртмачилар билан тузилган бевосита

шартномалар бўйича хорижий транзит юрларнинг Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб ўтилишига ноль даражали ставка бўйича ҚҚС солинади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 3-қисми 5-банди, 216-моддаси).

2 Бу асосий фаолият тури бўлиш-бўлмастидан қатъи назар, юрларни ташиш хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» сўтида хи-

собга олинади. Ноль даражали ставка бўйича ҚҚС бухгалтерия проводкалари орқали расмийлаштирилмайди, фақат буюртмачига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада акс эттирилади.

ЯИТ – 25 ФОИЗ

? «А» ташкилотининг 100 фоизлик улушга эга муассиси ҳокимият бўлганда ЯИТ қайси ставка бўйича тўланади?

– 100 фоизлик улушга эга муассиси ҳокимият бўлган ташкилот ЯИТни 25%лик ставка бўйича тўлайди.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини қуйидагилар ташкил этади:

- маъмурий-худудий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк);

- вилоят, туман ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк («Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси).

Давлат корхонаси – давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизда ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига бириктирилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи – муассиснинг) топшириқларига ҳамда эғалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади (АВ томонидан 3.09.2007 йилда 1708-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди).

Қуйидагилар 2019 йилда ЯИТни 25%лик ставка бўйича тўлайдилар (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 8-илова):

- бюджет ташкилотлари;
- давлат корхоналари;
- устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50% ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар;
- устав жамғармаси (капитали)нинг 50%и ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ва уларнинг таркибий тузилмалари.

? Корхона (ижарага олувчи) ва ҳисмоний шахс (ижарага берувчи) ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ ижарага берувчининг барча харажатлари, шу жумладан коммунал хизматлар ҳақи ижара ҳақи суммасига киритилади. Ижара ҳақи – қатъий белгиланган, ҳисоблаб ёзилган коммунал тўловлар суммасига боғлиқ эмас. Ижара шартномасида кўрсатилган суммадан ЖШДС тўланади. Кейинроқ коммунал ташкилотларнинг талабига кўра ижарага олувчи бевосита шартнома тузишига ва коммунал хизматлар ҳақини коммунал хизматларни етказиб берувчига тўлашига тўғри келди. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи учун мазкур операциялар бўйича қандай ҳисоб юритиш тартиби белгиланган?



ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИНГ

– Ижара шартномаси шартларида коммунал хизматлар ҳақини ижара ҳақи суммасига киритиш назарда тутилган. Ушбу шартлар ўзгартирилди. Ижарага олувчи коммунал хизматлар билан тузилган шартномага биноан хизматлар ҳақини мустақил тўлашига тўғри келяпти. Сиз шартнома шартларини қайта кўриб чиқишингиз ва шартномага қўшимча битим тузган ҳолда ижара ҳақи суммасини камайтиришингиз лозим.

Коммунал ташкилотларга етказиб берилган хизматлар учун тўланган сумма ижарага

олувчининг харажатлари ҳисобланади. Фойда солигини ҳисоблашда ушбу харажатлар чегириладиган харажатлар бўлиш-бўлмастидан ижарага олинган объектдан фойдаланиш мўлжали ва мақсадига боғлиқдир (Солиқ кодексининг 147-моддаси).

Бунда ҳисобга олиш шартлари бажарилаётган бўлса, ижарага олувчи коммунал хизматлардан олинган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли бўлади (Солиқ кодексининг 218, 219-моддалари).

Мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилишини мисолда кўриб чиқамиз.

Ижара ҳақи шартнома бўйича 1 000 000 сўми (коммунал хизматларни ҳисобга олган ҳолда) ташкил қилади. Қўшимча битим тузилган, унга кўра ижара ҳақи коммунал хизматларсиз 800 000 сўми ташкил қилади. Ижарага олувчи коммунал ташкилотлар билан тузилган шартнома бўйича 200 000 сўмлик хизматлар учун ҳисобварақ-фактура олд.

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
Ижара шартномаси бўйича қўшимча битим тузилган пайдан бошлаб ижарага оид харажатлар ҳисобланади	Харажатларни ҳисобга олувчи сўтлар (объектдан фойдаланиш мўлжалига қараб)	6910-«Тўланадиган оператив ижара»	800 000
Ижара ҳақидан ЖШДС ушлаб қолинди	6910-«Тўланадиган оператив ижара»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ЖШДС)»	96 000
Олинган ҳисобварақ-фактурага мувофиқ коммунал тўловлар бўйича харажатлар ҳисобланади	Харажатларни ҳисобга олувчи сўтлар (объектдан фойдаланиш мўлжалига қараб)	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўтлар»	166 666,67
Олинган хизматлар бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (ҚҚС)»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўтлар»	33 333,33
Коммунал хизматлар учун ҳақ тўланди	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўтлар»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»	200 000
Ижарага берувчига ижара ҳақи тўланди	6910-«Тўланадиган оператив ижара»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»	704 000
ЖШДС бюджетга тўланди	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ЖШДС)»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»	96 000

ЧЕГИРИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР


? Президентнинг 4.01.2019 йилдаги ПҚ-4090-сон қарорига мувофиқ харид қилинган мис бўйича ҚҚС суммасининг 50%ини ҳисобга киритган ва қолган ярмини корхона харажатларига ўтказган ҳолда 2022 йилнинг 1 январига қадар ТИФ ТН кодлари 7407-7410 ва 7412-7419 гуруҳлари бўйича мисдан ясалган маҳсулотлар экспортга ҚҚСнинг ноль ставкасини қўллаш белгиланган. Фойда солигини ҳисоблаб чиқариш чоғида ПҚ-4090-сон қарорнинг 5-бандига мувофиқ корхона харажатларига киритилган ҚҚС суммасининг 50%и чегириладиган харажат ҳисобланадими?

– 2022 йилнинг 1 январига қадар ТИФ ТН кодлари 7407-7410 ва 7412-7419 гуруҳлари бўйича мисдан ясалган маҳсулотлар экспортга ҚҚСнинг ноль ставкаси бўйича солиқ солинади. Бунда харид қилинган мис бўйича ҚҚС суммасининг 50%и ҳисобга киритилади, қолган ярми корхона харажатларига ўтказилади (4.01.2019 йилдаги ПҚ-4090-сон қарорнинг 5-банди).

Фойда солигини ҳисоблашда корхона харажатларига киритилган ҚҚС суммасининг 50%и чегириладиган харажат ҳисобланади (Солиқ кодексининг 145-моддаси 21-банди).



Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.



ЭНГ КАМ ИЖАРА ТЎЛОВИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

Корхона жисмоний шахсдан шатакчи автомобиль ва ярим тиркамани ижарага олди. Жисмоний шахсдан ярим тиркама ижарага олинганда, ЖШДСни ҳисоблаш чоғида энг кам ижара тўлови ставкалари ҳисобга олиними?

– Жисмоний шахслар учун солиқ солиш мақсадларида ижара тўловининг энг кам ставкалари юк автомобиллари ҳам қўлланилади. Ставкалар битта автотранспорт воситаси учун белгиланган (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 24-илова).

Юк автотранспорти воситалари жумласига юк автомобиллари, шатакчи автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар қиради («Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси).

Ярим тиркамалар автотранспорт воситалари саналганлиги учун ЖШДСни ҳисоблашда юк автомобилларига белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳисобга олинади. 2019 йилга юк автомобили ижара тўловининг энг кам ставкаси Тошкент шаҳри учун ойига 940 000 сўмни ташкил этади.

ХАТО ИНКАССО

Солиқ органлари инкассони янглиш тақдим этиб, ШЖБПХга бадалларни тўлаш ҳисобига корхона ҳисобрақамидан маблағлар ечиб олди. Корхона ходимлар кесимида ортиқча тўланган суммалар ҳисоб-китобини тузди. Солиқ органининг айби билан йўл қўйилган хатолик аниқлангандан кейин пуллар корхона ҳисобрақамига қайтарилши керак. Корхона ва солиқ органи ўртасидаги маълумотлар тафовутини қандай бартараф этиш мумкин?

– Корхона ҳисобрақамига пуллар қайтарилган тақдирда, ходимлар кесимида ортиқча тўланган суммага реестр тузмаслик керак.

Иш берувчи ҳар ойда ходимлар реестрини расмийлаштиради.

Унда ҳар бир ходимнинг ШЖБПХ рақамлари, фамилияси, ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси белгиланган тартибда кўрсатилади (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 10-банди). Тўлов топшириқномаси бўйича Халқ банкига ўтказилган сумма ходимлар – бадаллар олувчиларнинг реестридаги якуний сумма билан мос келиши лозим.

Солиқ органлари томонидан ортиқча пуллар ечиб олинган бўлса, сабаблари аниқланмагунча корхона ушбу суммага реестрини расмийлаштирамаслиги лозим.

Фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий бадаллари бюджетта тўланадиган солиқлар ва маж-

бурий тўловларга тенглаштирилади (Низомнинг 2-банди). Ортиқча тўланган солиқ суммаси:

- ушбу солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши (Солиқ кодексининг 56-моддаси);

- корхонанинг банкдаги ҳисобварағига қайтарилши мумкин (Солиқ кодексининг 57-моддаси).

Тафовутларни аниқлаш учун далолатнома бўйича солиқ органлари маълумотлари билан солиштириб чиқинг. Уларни қайтариш ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги хат билан Халқ банкига мурожаат қилинг. Хатга янглиш ўтказилган суммаларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилинг.

Ортиқча тўланган суммани бўлғуси тўловлар ҳисобига қолдирадиган бўлсангиз, ушбу суммага реестрини тақдим этинг. Кейинги даврда фақат етишмаётган суммани тўлайсиз ва уни реестрда ходимлар кесимида кўрсатасиз.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

ҚАЙТАРИЛМАГАН ҚАРЗ: СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Ходимга қайтариб бериш шарти билан фоизсиз қарз берилди. Қарз қайтарилмади. Қарз суммасига қайта молиялаштириш ставкаси бўйича солиқ солинадими? Солиқ солинадиган бўлса, унинг суммаси қандай ҳисобланади?

– Фоизсиз қарз олган қарздорнинг даромадига қайта молиялаштириш ставкаси бўйича солиқ солиниши фақат юридик шахслар учун назарда тутилган (Солиқ кодексининг 135-моддаси 4-қисми).

Фоизсиз қарз (молиявий ёрдам) олган жисмоний шахсларга нисбатан ушбу модда қўлланилмайди.

Қарз қайтарилмаган тақдирда, ходимда моддий наф тарзидаги даромад юзага келади, унга 12%-лик ставкада ЖШДС солинади (Солиқ кодексининг 177-моддаси 2-банди).



ИМТИЁЗ ҲУҚУҚИСИЗ ҚАЙТА ИШЛАШ

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонамиз 2019 йилдан маҳсулотни экспорт қиляпти, бунда Президентнинг 29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сон Фармонида мувофиқ имтиёзни қўллайми?

Игириву маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган бошқа корхона биз билан даваль хом ашёсини қайта ишлашга шартнома тузмоқчи. Яъни корхона (даваль хом ашё берувчи) ўз хом ашёсини беради, корхонамиз (қайта ишловчи) ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Даваль хом ашёни берувчи қайта ишловчи корхона тақдим этган маҳсулотни Давлат стандартларига мувофиқлик сертификати асосида экспорт қилади.

Қайта ишловчи даваль хом ашёсини қайта ишлаш хизматлари учун ЎзР президентидан олинган тушум қисмида экспорт учун тақдим этилган имтиёзни қўллай оладими?

– Йўқ, даваль хом ашёсини қайта ишловчи Президентнинг 29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сон Фармони бўйича имтиёзни қўллай олмайди, чунки маҳаллий компанияга хизматлар кўрсатади.

2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комисионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15%дан юқори бўлган юридик шахслар солиқ солинадиган базани:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми юзасидан юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи бўйича;

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган қисми юзасидан ЯСТ бўйича қамайтирадиган (ПФ-5587-сон Фармонининг 1-банди).

Имтиёзлар қўлланилиши натижасида тўланмаган маблағлар қуйидаги ҳолларда пеня ҳисобланган ҳолда ундирилади:

- товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти фактини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда;

- товарлар экспорт режимига чиқарилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида валюта тушуми таъминланмаганда (ПФ-5587-сон Фармонининг 2-банди).

Корхонангиз даваль хом ашёсини қайта ишлашда хизматларни экспорт қилмайди, балки маҳаллий корхонага хизматлар кўрсатади. Бинобарин, экспорт бўйича имтиёз қайта ишловчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Қайта ишлаш хизматларингиздан фойдаланиб хом ашёдан даваль асосда маҳсулот тайёрлаган экспорт қилувчи барча санаб ўтилган шартларга мувофиқ келса, мазкур имтиёзни қўллаши мумкин.

ЭЪЛОН

“Suxondaryo mulk markazi” МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Сурхондарё Давлат Ўрмон хўжалигига тегишли бўлган, Термиз шаҳар, Истиклол кўчаси, 64-уйда сақланаётган ТИКО русумли, 1997 йилда и/ч, бошлангич баҳоси – 1 451 000 сўм, д/р 75 951 ТАА, техник ҳолати таъмирталаб бўлган автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 20 сентябрь соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Мазкур мулк 2019 йил 20 сентябрь кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2019 йил 4 октябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 20 сентябрь учун 18 сентябрь кунини, 4 октябрь учун 2 октябрь кунини соат 18.00 тўхтатилади.

Савдо голиб деб топилган шахсга 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурийти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузиладиган белгиланади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакоиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “SMM” МЧЖнинг ХАБ “Траст банк” Термиз филиалидан: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729 ҳисобрақамига тўлашлари шарт. Ариза (таълинома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш мазмунини: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй. Телефон: 76 223-15-82. 972-сонли мувоҳида.

публикаси қонунининг янги тахрирдаги лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин;

бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича ислохотларни амалга оширишни мувофиқлаштириш учун мамлакат ҳудудларига юборилган вазирлик ва идоралар вакилларининг роли ва ваколатларини қайта кўриб чиқсин.

27. Вазирлик ва идоралар, шунингдек, ҳўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш орқали барча давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг шаффофлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича самарали чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қонунга мувофиқ бўлмаган топшириқлари, шу жумладан, қонунда кўзда тутилмаган, ягона ётказиб берувчидан тўғридан-тўғри харид қилиш имконини кўзда тутувчи баённомалар шаклидаги топшириқларни киритиш амалиёти қатъиян тақиқлансин;

давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқлансин.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ахборот тизимларини интеграция қилган ҳолда корпоратив буюртмачиларнинг амалга оширадиган давлат харидлари бўйича тўловлар ҳисобини юритиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва «Давергеодезкадастр» кўмитаси икки ой муддатда ўз тузилмаларини функционал жиҳатдан такомиллаштириш ва кўйидагилар билан боғлиқ айрим ваколатларни ҳудудий бўлинмаларга ўтказишни назарда тутган ҳолда, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида уларнинг ҳудудий бўлинмалари роли ва масъулиятини ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

қурилиш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, қабул қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш инспекциясини амалга ошириш, бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатиш;

ер тузишни ташкил этиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаз қилиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш, ушбу соҳада тизимли давлат назоратини амалга ошириш, бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатиш.

30. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасини киритишда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича нормаларни назарда тутсин.

31. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олти ой муддатда халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)нинг миллий классификаторини ишлаб чиқсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон қарори билан ташкил этилган **Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига** ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни самарали ташкил этиш ҳамда чора-тадбирларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5679-сон Фармони 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2019 йил 1 октябрдан кучга кирадиган кўшимча ва ўзгартиришлар 2-иловага** мувофиқ киритилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

36. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 13 август
ПФ-5780-сон.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БўЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ШУНИНГДЕК, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ Тўғрисида*

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида бизнес юритиш тартиб-таомилларини сезиларли даражада соддалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва молиявий манбаларни кенгайтириш орқали тадбиркорликнинг изчил ўсиши таъминланмоқда.

Аҳолининг турпи қатламларини, шу жумладан, ёшлар, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳамда кичик корхоналарнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Биргина «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш учун 7,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда, айниқса, ер участкаларини ажратиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан, кредит ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлашда бюрократик тўсиқлар ва сансалорликлар учрамоқда.

Мансабдор шахслар давлат ҳимоясида бўлган хусусий мулкнинг дахлсиз эканлигини, ҳар қандай ваз билан хусусий мулкни, шу жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, асосли заруратсиз мулкни бузиб юбориш ғайриҳуқуқийлигини англаб етмаепти ҳамда ер участкаларини ажратишда ўзбошимчаликларга йўл қўймоқда, бу эса мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун ушбу масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишни тақозо этмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар комплекс ва тезкор ҳал этишни, барча даражадаги давлат органларининг

ягона услубий раҳбарлик остида ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик қилишини, хусусий мулкнинг ишлаши, ер участкаларини реализация қилиш, тендер савдоларини ўтказиш ҳамда давлатга тегишли бўлмаган бино ва иншоотларни бузишга оид аниқ ва лўнда ҳуқуқий нормаларни яратишни, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни, аҳолининг кенг қатламларини бизнес билан шуғулланишга фаол жалб этишни талаб этади.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бериш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий қамров даражасини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси (кейинги ўринларда – «Давергеодезкадастр» кўмитаси) ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **хусусий мулкнинг дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва янада кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги** нормаларини сўзсиз ижро этиш ва уларга қатъий риоя қилиш бўйича **шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.**

Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 14.08.2019 йилдан кучга кирди.

вакили (кейинги ўринларда – Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил):

хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига, шу жумладан, мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка, жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасддан номмақбул шартларни, шу жумладан, мулкни ёки мулкни ҳуқуқни топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга **йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат (контроль) ўрнатсин**;

мансабдор шахслар томонидан суиистеъмом ва қонунбузарлик ҳолатларининг **олдини олиш ва бунга йўл қўймаслиги юзасидан зарур чораларни кўрсин**.

2. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу Фармон қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига, шу жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мулкдорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, мулкдорларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қоплашини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

3. Куйидагилар барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг сўзсиз бажарилиши, мулк ва бошқа мулкни ҳуқуқлар бузилишига йўл қўйилмаслиги тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, барқарор ривожланаётган тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш бўйича тизимли чоралар кўриш, шунингдек, ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлар билан ишлашни кучайтириш;

фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва нотураб жой объектлари негизда кичик sanoat зоналарини ташкил этиш, ер участкаларини белгиланган тартибда электрон-аукцион орқали ажратишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик субъектларининг молиявий, товар ва хом ашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши, инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил

этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштиришида амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари учун мавжуд имкониятлар, имтиёзлар ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, давлат идораларининг расмий веб-сайтларида мунтазам равишда ёритиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда консултив ёрдам ва ахборот жиҳатдан таъминлаш, тадбиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича жойларда семинар-тренинглار ўтказиш;

тадбиркорларга бизнес форумлар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашиш, уларда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

тадбиркорларга ишончли шерклар ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари учун янги бозорларни топишда, экспорт салоҳиятини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига куйидагилар тақиқлансин:

тадбиркорлик субъектларини ўзларининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан, ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш ишларига, ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, темир-терсак ва макулатура йиғиш ҳамда бошқа ишларга мажбурий жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектларини ҳар қандай шаклда қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга (экиш ва йиғиб олиш ишларига) ва меҳнат ресурслари, пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларни йўналтириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектлари иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни қўллаш таҳдиди остида йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

5. 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилсин.

6. 2020 йил 1 мартдан кучга кирадиган «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палата-

ҳар ҳафтанинг душанба, сешанба ва чоршанба кунлари туманлар ва шаҳарлар секторлари раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида маҳаллаларга чиқишни ташкиллаштириш;

Агентликка кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун зарур хизматлар кўрсатадиган тегишли бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича тақлифлар киритади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) этиб қайта ташкил қилинсин ва Агентлик таркибига ўтказилсин.

24. Белгилаб қўйилсинки:

а) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш Жамғарма томонидан бош битимлар асосида ваколатли тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада амалга оширилади;

б) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш асосан кафилликлар ва кафолатлар шаклида, бошқа ҳолларда эса тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида амалга оширилади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда умумқабул қилинган методика асосида кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида молиявий кўмак олувчи салоҳиятли қарздорлар – кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини танлашнинг аниқ мезонларини тасдиқласин;

в) кафолатлар ва кафилликлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар молиявий ресурсларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига уларнинг белгиланган мезонларга мос келадиган тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун тақдим этилади, куйидагиларни назарда тутувчи кредитлар бундан мустасно:

илгари олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш; савдо-воситачилик ва умумий оқватланиш фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини шакллантириш;

савдо ва умумий оқватланиш объектларини қуришни молиялаштириш;

нобанк кредит ташкилотлари ва лизинг компанияларининг ресурслар базасини шакллантириш;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун усуналар сотиб олиш;

д) куйидагилар молиявий кўмак олиш учун асослантирилган аризаларни Жамғармага тақдим этиш юзасидан масъул ташкилотлар ҳисобланади:

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари буюртмалари бўйича – тижорат банклари;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари буюртмалари бўйича – туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари масъул ҳисобланади.

25. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлигининг куйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) Жамғарма ҳисобидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафилликнинг энг кўп миқдорини кредит суммасининг 50 фоизигача миқдорда сақлаб қолган ҳолда, унинг миқдорини 2 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмгача кўпайтириш;

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига:

суммаси 10 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган миллий валютадаги кредитлар учун – қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 5 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

эквиваленти 10 миллиард сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар учун – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу банд талаблари тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилликлар ва компенсацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган шартларига татбиқ этилмайди.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

биркорлик таваккалчилиги, гаров, лизинг, асбоб-ускуналар, юклар, жавобгарлик ва бошқаларни сугурта қилиш масалалари бўйича мунтазам равишда семинарлар ва тренинглар ташкил этилишини таъминласин;

тижрат банклари билан биргаликда тадбиркорлик таваккалчилигини сугурта қилиш шартларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган кредитнинг гаров таъминоти билан қопланмаган қисмини кредит қайтмаслик хатари бўйича сугурталашни амалга оширсин;

Агентлик билан биргаликда илгор хорижий тажрибани иноватга олган ҳолда, 2019 йил 1 октябрга қадар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сугурта хизматларини олиш учун сарфлайдиган харажатлари ва вақтини қисқартиришга қаратилган тадбиркорлик таваккалчилигини сугурта қилиш шартларидаги замонавий сугурта маҳсулотларини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

17. Белгилансинки, молиявий йил учун барча турдаги кредитнинг қайтмаслик хатарини сугурталаш (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини сугурталаш) шартномалари бўйича сугурта қопламаларининг умумий миқдори «Кафолат сугурта компанияси» АЖ ўз капиталининг 10 фоизидан ошган тақдирда, компаниянинг ўз капитали 10 фоиздан ортиқ миқдордаги зарари **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳар чоракда «Кафолат сугурта компанияси» АЖ Кузатув кенгашида кредитнинг қайтмаслик хатарини сугурталаш (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини сугурталаш) шартномалари бўйича сугурта қопламаларининг ҳажмлари ва улар бўйича қутилаётган йўқотишлар тўғрисидаги жамият ижро этувчи органининг ҳисоботи эшитилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Агентлик 2019 йил 1 октябрдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, маълум сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олишининг ягона ёндашувини;

тадбиркорлик субъектларининг демографияси, шу жумладан, уларнинг фаолият даври бўйича статистик маълумотлар шакллантирилишини;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминласин.

19. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар,

туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бош вазир қабулхоналарининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини **ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини тиклаш ва унга жалб қилиш, тегишли ҳудудда уларнинг сонини ошириш юзасидан рағбатлантириш ва жавобгарлигини кучайтириш тизими** жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу бандни амалга ошириш механизмлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда вилоятнинг олий ўқув юртлигига ўтказилаётган касб-ҳунар коллежлари негизда, шу жумладан, хусусий сектор иштирокида тадбиркорлик, маркетинг ва бизнесни бошқариш каби бизнес йўналишлари бўйича ўқитиш учун **Ўзбекистонда «Vinagu» (Малайзия) халқаро менежмент ва тадбиркорлик университетининг филиалини очиш** масаласини кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов бир ой муддатда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари хузурида **фаол тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари орасидан жамоатчилик кенгашлари** тузилишини ҳамда ушбу кенгашлар тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланишини таъминласин.

Белгилансинки, тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари йиғилишларида айtilган (тақдим этилган) таклифлари ва ташаббуслари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уларнинг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда Агентликка юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ташкил этиладиган жамоатчилик кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин.**

22. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг иқтисодий ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари тизимли равишда:

Агентлик билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, ижро этилиши ва мониторингини ташкил қилди;

лари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 февралга қадар **Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент** (кейинги ўринларда – ҳуқуқий эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Куйдагилар ҳуқуқий экспериментнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

қонунийлик, ихтиёрлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштирилмаган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги, ер участкаларини хусусийлаштиришнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган **қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларининг самарадорлигини аниқлаш;**

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш механизmlарини амалда қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини уларнинг амалий самарадорлиги, тартибга солинадиган муносабатлар соҳаларини тўлиқ қамраб олиниши жиҳатидан **мониторинг ўтказиш;**

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш ва аҳолини бизнес билан шугулланишга жалб қилиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ой муддатда Қонуннинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган зарур ҳужжатлар, шу жумладан, **Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қабул қилсин;**

икки ой муддатда **Сирдарё вилояти ҳудудларининг режалаштириш схемаси** тасдиқланишини таъминласин;

оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий эксперимент амалий ижросининг боришини мунтазам равишда ёритиб борсин;

ҳуқуқий эксперимент натижаларига кўра, 2020 йил 5 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Қонун нормаларини янада такомиллаштириш ва уни республиканинг бошқа ҳудудларида қўллаш бўйича таклифлар киритсин.

9. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фойдаланилмаётган **давлат мулки объектларини,** шу жумладан, таълим муассасалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бундан мустасно), соғлиқни сақлаш ва спорт, маданият, хусусан кинотеатрлар, клублар, кон-

церт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари, **шунингдек, давлат ташкилотларининг бўш турган ер участкаларидан** (кейинги ўринларда – фойдаланилмаётган активлар) **доимий фойдаланиш ҳуқуқини** хўжалик фаолиятига жалб қилиш ва сотиш тартиби жорий этилсин. Унга мувофиқ:

фойдаланилмаётган активларнинг мулкдорлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Давергеодекадастр» қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг тегишли сўрови келиб тушган вақтдан бошлаб икки ой муддатда балансда сақловчининг юқори турувчи ташкилоти (агар мавжуд бўлса) билан келишилган, фойдаланилмаётган объектлар ва бўш турган ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича «йўл харитасини» (кейинги ўринларда – «йўл харитаси») тақдим этиши шарт;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан «йўл харитаси» тасдиқланади;

фойдаланилмаётган активларнинг балансда сақловчиси томонидан «йўл харитаси» тақдим этилмаган ёки унда назарда тутилган фойдаланилмаётган активлардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган муддатда бажарилмаган ёхуд «йўл харитаси»ни тасдиқлаш рад этилган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўз ваколатлари доирасида фойдаланилмаётган активларни олиб қўйиш ва сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

10. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, «Давергеодекадастр» қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб куйдаги тартибларни ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари **республиканинг барча ҳудудларида фақат «E-JRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкалари бериш ҳоллари бундан мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ушбу тартибни бузганлик учун шахсий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилсин;

б) **жисмоний ва юридик шахсларга «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш майдончаси тўғрисидаги маълумотларни** кейинчалик уларни электрон

онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда қўриб чиқиш учун **жойлаштириш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқи бериллади.**

«Давергеодезкадастр» қўмитаси тадбиркорлик ва шахарсозлик учун таклиф қилинадиган ер участкаларининг жойлашуви тўғрисидаги ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг очик маълумотлар порталда ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу банддаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этишининг янги тартибини жорий этишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин ва унда жумладан қуйидагиларни назарда тутсин:

«Давергеодезкадастр» қўмитаси органлари томонидан «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларнинг мустақил киритилиши;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли органларга келишиш ва хулоса бериш учун автоматик тарзда юбориш;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни келишиш пайтида қўрилишга рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар турларини аниқлаш, архитектура-режа топширигини ишлаб чиқиш, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни тақдим этиш;

ер участкаларини танлаш бўйича материаллар юзасидан муайян давлат органлари хулосаларини олиш талабини бекор қилиш;

келишув ва ижобий хулосалар берилгандан сўнг қўшимча қарорларсиз ер участкаларини «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон онлайн-аукционга қўйиш;

электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатида олиш, шунингдек, аукцион ғолибига ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарор ўрнига Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан қўчирма бериш.

11. Жаҳон банки томонидан тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг кенг қатламларини бизнес юртишга жалб қилиш ва бошланғич капиталдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича давлат органи сифатида тавсия этилган **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoат вазирлиги ҳузурда Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес ва тадбиркорликни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан, сўровномалар ўтказиш асосида, ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қўрилиш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хом ашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган натижага қаратилган воситаларни жорий этиш;

йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар – оралик товарлар ва хизматлар (хом ашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан, тижорат банкларида мақсадли депозитлар очиб ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, аҳолининг заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига қафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича номолиявий қўллаб-қувватлаш (бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизимини шакллантириш;

ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни

тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилиш.

12. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик республика давлат бошқаруви органи бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoат вазирлигига бўйсунлади.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг:

«Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБни «оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштирувчи банклар этиб белгиласин;

«оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш ва, умуман, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш давлат дастурлари доирасида аввал ажратилган кредитлар ҳисобига бўшайдиган маблағларни «Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБга кейинчалик кредит бозорига бузилишларни бартараф этиш, пул маблағларидан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва мақсадли молиявий ресурслардан фойдаланишдан ижтимоий-иқтисодий самарани ошириш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорликни бозор шароитларига яқин ставкаларда кредитлаш учун йўналтириш.

Молия вазирлиги Агентлик ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти чекланган аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини талаб мавжуд бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитишга, уларни ижтимоий ва номолиявий қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини жорий этишга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини ушбу тадбирларни «оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида илгари берилган кредитларни «Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБларига жойлаштиришдан тушган қўшимча даромадлар ҳисобига молиялаштиришни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги:

а) 2019 йил охирига қадар қуйидагиларни: мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга асосланган ҳамда уларга жойлашган жойи ва тижорат банклари филиалларида молиявий ресурсларнинг мавжудлигидан қатъи назар тадбиркорлик фаолияти учун кредитларни соддалаштирилган тартибда ва тенг шартларда жалб қилиш имконини берувчи «бир хил» (намунали) банк маҳсулотлари – «модул»ларни ишлаб чиқишни ва кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини кўрсатиш амалиётига жорий этишни;

**Фармонга 1–2-ўловалар «СБХ»да берилмайдди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатнома имзоланган санада МБ курси 8 535,74 сўми ташкил этган. Солиқ солинадиган база тўлоа маънада фойда солиғини чегирмасдан аниқланади ва 85 357,4 минг сўми (10 000 x 8 535,74) ташкил этади. Бюджетга тўланиши ва ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммаси – 17 071,48 минг сўм (85 357,4 x 20%). Норезидент хизматлари бўйича тўланган ва ҳисобга олинган ҚҚСни бухгалтерия ҳисобида қуйдагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Норезидент хизматлари бўйича ҚҚС тўланди ва ҳисобга олинди	17 071,48	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»

Экспорт қилишда ҚҚС қандай ҳисобга олинади

Экспортга реализация қилинган товарларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича ҳам «кирувчи» ҚҚСни ҳисобга олишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Экспортга реализация қилинган товарлар учун Ўзбекистон банкидаги счётингизга валюта тушуми келиб тушгандагина ҚҚСни ҳисобга олинг.

Жорий солиқ даврида валюта тушуми тўлиқ келиб тушмаган бўлса, фақат келиб тушган сумма улушида «кирувчи» ҚҚСни ҳисобга олинг.

МИСОЛ. Келиб тушган экспорт тушумига мутаносиб миқдорда ҚҚСни ҳисобга олиш

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона маҳсулот ишлаб чиқариб, уни экспортга реализация қилади.

У маҳсулот ишлаб чиқариш учун материалларни импорт қилди, уларни божхонада расмийлаштириш чоғида 20 000 минг сўм миқдорда ҚҚС тўланди.

Ҳисобот ойда ноль даражали ставкада ҚҚС солинадиган маҳсулотни экспортга реализация қилишдан тушум 30 000 АҚШ долларини ташкил этди. Бунда ҳисобот ойининг сўнги кунига келиб харидорлар фақат 24 000 АҚШ долларини, яъни тушум суммасининг 80%ини (24 000 / 30 000 x 100) тўлаганлар. Бинобарин, ҳисобот ойда корхона 16 000 минг сўм (20 000 x 80%) миқдордаги «импорт» ҚҚСни ҳисобга олади.

Экспорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланилган товарлар бўйича «импорт» ҚҚС ҳисобга олинишини бухгалтерия ҳисобида қуйдагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Экспортга реализация қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун материалларни импорт қилиш чоғидаги ҚҚС акс эттирилди	20 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Импорт қилинган материаллардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилишдан валюта тушуми келиб тушганда улар бўйича ҚҚС ҳисобга олинди	16 000	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»

Воситачи орқали экспорт қилишда ҚҚС қандай ҳисобга олинади

Товарлар воситачи (вакил) орқали экспорт қилинган бўлса, ҚҚС худди шу тартибда ҳисобга олинади: воситачининг счётига келиб тушган валюта тушуми улушида ҚҚС суммасини ҳисобга оласиз. Бунда воситачи реализация қилиш чоғида товар қийматига ҚҚСнинг ноль даражали ставкасини ҳам қўллайдди, сабаби ўзининг эмас, балки комитентнинг (топширик берувчининг) товарини реализация қилади. Ўзининг воситачилик ҳақи суммасига эса, қандай солиқ солиш тизимини қўллашдан келиб чиқиб, ҚҚС солади ёки солмайди.



Воситачилик шартномасида назарда тутилган ҳисоб-китоб қилиш шартларидан қатъи назар, ҳисобга олиннадиган ҚҚС суммасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида харидорлардан келиб тушган валюта тушумининг бутун суммасини ҳисобга олинг. Ушбу суммани тасдиқлаш учун воситачидан унинг банкдаги счётига валюта тушуми келиб тушганини тасдиқловчи банк кўчирмалари нусхаларини тақдим этишини талаб қилинг.

МИСОЛ. Воситачи орқали маҳсулотни экспорт қилишда ҚҚСни ҳисобга олиш

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона маҳсулот ишлаб чиқариб, уни воситачи орқали экспортга реализация қилади.


Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш учун материалларни импорт қилди, уларни божхонада расмийлаштириш чоғида 20 000 минг сўм миқдорда ҚҚС тўланди.

Воситачининг ҳисоботига кўра, ҳисобот ойда ноль даражали ставкада ҚҚС солинадиган маҳсулотни экспортга реализация қилишдан тушум 30 000 АҚШ долларини ташкил этди. Воситачининг банк кўчирмаларига кўра, бунда ҳисобот ойининг сўнги кунига келиб харидорлар фақат 24 000 АҚШ долларини, яъни тушум суммасининг 80%ини (24 000 / 30 000 x 100) тўлаганлар. Комитентнинг банкдаги счётига воситачилик ҳақини чегиранда 21 600 АҚШ долларини келиб тушган. Шунга қарамай, келиб тушган тушум улушини ҳисоблашда комитент 24 000 АҚШ долларини ҳисобга олади. Бинобарин, ҳисобот ойда комитент корхона 16 000 минг сўм (20 000 x 80%) миқдордаги «импорт» ҚҚСни ҳисобга олади.

«Норма» МЧЖ экспертлари тавёрладилар.

Давоми бор.

Қўшилган қиймат солиғи ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЛОЗИМ*



Экспертларимиз бухгалтерларга ёрдам сифатида ҚҚСни ҳисоблаш қоидаларини, уни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ мураккаб масалаларни мисоллар ёрдамида тушунтиришда давом этадилар.

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ВА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН ОБОРОТЛАР МАВЖУД БЎЛГАНДА ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Нима учун алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш керак

ҚҚС солинадиган ва солинмайдиган оборотларнинг мавжуд бўлса, уларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби юритилишини ташкил этинг. Қуйдагилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритинг:

- товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш бўйича;

- товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича.

У бюджетга тўланадиган ҚҚСни тўри ҳисоблашингиз учун керак бўлади. Бунинг учун барча солиқ солинадиган оборотлар бўйича солиқни ҳисобланг ва ҳисобга олишингиз мумкин бўлган ҚҚС суммасини аниқланг.

Эслатиб ўтамыз: товарларни (ишларни, хизматларни) қуйдаги реализация қилиш оборотлари солиқ солинмайдиган оборотдир (Солиқ кодексининг 200-моддаси):

- ҚҚСдан озод қилинган (Солиқ кодексининг 208–210-моддалари);
- реализация қилинган жойи Ўзбекистон бўлмаган (Солиқ кодексининг 202-моддаси).

Реализация қилиш оборотларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш – ҳисобга олиннадиган ҚҚСни тақсимлаш учун асос. Бухгалтер алоҳида-алоҳида юритилган ҳисоб маълумотлари асосида харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚСнинг қандай суммаси солиқ солинадиган оборотларга, шу

жумладан ноль даражали ставкада солиқ солинадиган оборотларга, қай бири эса солиқ солинмайдиган оборотларга киришини аниқлайди. Биринчи қисмини ҳисобга олиш мумкин, иккинчисини эса харид қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар қийматига киритиш лозим.

Эслатиб ўтамыз: фақат 20%лик ставкада солиқ тўловчилар «кирувчи» ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. У соддалаштирилган тартибда тўланганда ҳисобга олиниши назарда тутилмаган (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси).

*Давоми. Боши «СБХ»нинг 25.06.2019 йилдаги 26 (1298), 2.07.2019 йилдаги 27 (1299), 30.07.2019 йилдаги 31 (1303), 6.08.2019 йилдаги 32 (1304), 13.08.2019 йилдаги 33 (1305)-сонларида.

Реализация қилиш оборотларининг алоҳида-алоҳида ҳисоби қандай юритилади

ҚҚС солинадиган ва солинмайдиган оборотларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишнинг аниқ услубияти мавжуд эмас. Шу сабабли бундай оборотларни фарқлаш имконини берувчи исталган тартибда ҳисоб юритишнинг мумкин.

Масалан, солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборотлар ҳисобини даромадларни ҳисобга олувчи счётларда махсус очилган субсчётларда юритинг. Аналитик ҳисоб маълумотларидан

(махсус қайдномалар, жадваллар, маълумотномалар ва ҳ.к.) ёки Тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш журнали ва Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестридаги (Сотиш реестри, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган ҚҚС ҳисоб-китобига 5-шлова) маълумотлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

«Кирувчи» ҚҚСнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби қандай юритилади

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) 3 та гуруҳи бўйича «кирувчи» ҚҚСнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби юритилишини ташкил қилинг:

- 1) ҚҚС солинадиган оборотлар учун фойдаланиладиган;
- 2) солиқ солинмайдиган оборотлар учун фойдаланиладиган;
- 3) солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборотлар учун фойдаланиладиган.

Харид қилинган товарлар, ишлар ва хизматлардан куйидагилар учун фойдаланилса, улар бўйича ҚҚСни ҳисобга олишингиз мумкин (Солиқ кодексининг 221-моддаси):

- ҚҚС, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотлар учун (Солиқ кодексининг 218-моддаси 1-1-банди);
- корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун, фойда солигини ҳисоблаш-

да чегириб ташланадиган харажатлар сифатида қаралса (Солиқ кодексининг 219-моддаси 6-банди).

Солиқ солинмайдиган оборотлар бўйича «кирувчи» ҚҚСни харид қилинган товарлар (ишлар, хизмат) қийматида киритинг.

Корхона бир вақтнинг ўзида солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборотларни амалга оширса, «кирувчи» ҚҚСни тақсимлаш керак бўлади.

Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборотлар мавжуд бўлганда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини 2 хил усулда аниқлаш мумкин (Солиқ кодексининг 221-моддаси):

- 1) алоҳида-алоҳида;
 - 2) мутаносиб.
- Фаолиятинингизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улардан бирини танланг ёки бир вақтнинг ўзида ихтала усулни қўланг.



Ҳисобга олинмайдиган ҚҚСни аниқлашнинг танланган усулини ҳисоб сибсатида албатта қайд этинг ва календарь йил давомида ўзгартирманг.

«Кирувчи» ҚҚСни алоҳида-алоҳида тақсимлаш усули қачон қўлланилади

Олинган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) қандай – солиқ солинадиган ёки солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланилишини олдиндан аниқлай олсангиз, алоҳида-алоҳида усулни қўланг. Солиқ солинадиган оборот учун фойдаланиладиган

товарлар (ишлар, хизматлар) ва улар бўйича ҚҚС суммалари ҳисобини солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланиладиганларидан алоҳида юритинг.

ВАЗИЯТ. Корхона ҳисобга олинмайдиган ҚҚСни алоҳида-алоҳида аниқлаш усулини қўллайдми

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона ҚҚСдан озод қилинган китоб маҳсулотларини (Солиқ кодексининг 208-моддаси 19-банди) ва реализация қилинганда ҚҚС солинадиган реклама буклетларини ишлаб чиқаради.

Ҳисобот ойда 27 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 4 500 минг сўм, материаллар ишлаб чиқариш учун харид қилинди. 18 000 минг сўмлик (шу жумладан ҚҚС – 3 000 минг сўм) материаллар китоб маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, қолган 9 000 минг сўмлик (шу жумладан ҚҚС – 1 500 минг сўм) материаллар буклетлар ишлаб чиқариш учун сарфланди. Корхона ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун алоҳида-алоҳида усулни қўллайдми. Солиқ солинадиган оборот – реклама буклетларини реализация қилиш учун фойдаланилган материаллар бўйича 1 500 минг сўм ҳисобга олинади.

«Кирувчи» ҚҚСни мутаносиб тақсимлаш усули қачон қўлланилади

Олинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қанча ҳажмидан ҚҚС солинадиган ва солинмайдиган оборотлар учун фойдаланилишини аниқ белгилай олмасангиз, «кирувчи» ҚҚСни мутаносиб тақсимлаш усулини қўланг.

Мутаносиб усулда ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммаси умумий оборот суммасидаги солиқ солинадиган оборот салмоғидан келиб чиқиб аниқланади.

ВАЗИЯТ. Корхона ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммасини мутаносиб аниқлаш усулини қўллайдми

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи қурилиш корхонаси қуйидаги ишларни бажаради:

- ҚҚС солинадиган қурилиш-монтаж ишлари;
- аҳоли томонидан ХУМШ орқали ҳақи тўланадиган ва ҚҚС солинмайдиган уй-жой фондини тазмирлаш ишлари (Солиқ кодексининг 208-моддаси 24-банди).

Ҳисобот ойда корхона 60 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 10 000 минг сўм, материалларни харид қилди.

Ушбу ойда реализация қилишдан умумий соф тушум 120 000 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан:

- 36 000 минг сўм – солиқ солинмайдиган оборот;
 - 84 000 минг сўм – солиқ солинадиган оборот, у бўйича 16 800 минг сўм (84 000 x 20%) миқдорда ҚҚС ҳисобланган.
- Корхона ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун мутаносиб усулни қўллайдми. ҚҚС солинадиган оборот улуши 70%ни (84 000 / 120 000 x 100) ташкил этди. Бинобарин, корхона 7 000 минг сўмлик (10 000 x 70%) харид қилинган материаллар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин.

Божжона қиймати – 180 000 минг сўм, божжона божи – 9 000 минг сўм, импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаш учун товарнинг қиймати – 189 000 минг сўм (180 000 + 9 000). Товари божжонада расмийлаштиришда ҳисобланган ҚҚС 37 800 минг сўмни (189 000 x 20%) ташкил этди.

Корхона май ойида божжона оранига ҚҚСни қисман – 20 000 минг сўм миқдорда тўлади. Қолган қисми – 17 800 минг сўмни июнь ойида тўлади. Бинобарин, май ойида фақат 20 000 минг сўмни, июнь ойида эса 17 800 минг сўмни ҳисобга олиш мумкин.

Мақсадли имтиёз мавжуд бўлганда «импорт» ҚҚС қандай ҳисобга олинади

Олиб кириладиган товарлар имтиёзларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида «импорт» ҚҚСни тўлашдан озод қилинган бўлса, улар бўйича ҚҚС тўламанг. Бироқ берилган имтиёз мақсадли бўлса, солиқни ҳисобланг ва ҳисобга олинг (Солиқ кодексининг 218-моддаси).

Эслатиб ўтамиз: мақсадли имтиёз бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтиришни назарда тутмади. Масалан, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ходимларни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ва ҳ.к. Мақсадли имтиёздан фойдаланганда солиқни умумбелгиланган тартибда ҳисобланг, бироқ бюджетга ўтказманг (АВ томонидан 2.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2, 3-бандлари).

ВАЗИЯТ. Мақсадли имтиёз мавжуд бўлганда «импорт» ҚҚСни ҳисобга олиш

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё (аққиз тўланадиган товар) импорт қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ички бозорда реализация қилинади.

Олиб кирилган хом ашёнинг божжона қиймати 100 000 минг сўмни ташкил этди.

Корхона бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш шарти билан олиб кирилган хом ашё бўйича божжона тўловларини тўлашдан озод қилинган.

Божжона қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ҚҚС 20 000 минг сўмни (100 000 x 20%) ташкил этди.

Ушбу хом ашёдан ишлаб чиқарилаан маҳсулот 300 000 минг сўмга, шу жумладан ҚҚС – 50 000 минг сўм, реализация қилинди. Ҳисобланган ва ҳисобга олинган, бироқ имтиёз асосида божжона оранига ўтказилмаган «импорт» ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда корхона бюджетга 30 000 минг сўм (50 000 – 20 000) тўлайди.

Мақсадли имтиёз мавжуд бўлганда импорт қилинган хом ашё бўйича ҚҚСнинг ҳисобга олиниши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади (1463-сон Низомнинг 2-параграфи):

Ҳужжат операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Хом ашёни импорт қилишда ҚҚС ҳисобланди ва ҳисобга олинди	20 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бундақ тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбурийлар»
Мақсадли имтиёзни қўллаш натижасида бўшаган маблағлар суммаси акс эттирилди	20 000	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бундақ тўловлари (турлари бўйича)»
Маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромад акс эттирилди (300 000 – 50 000)	250 000	4010-«Харидорлар ва бюртмачилардан олинмайдиган счётлар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»
ҚҚС ҳисобланди	50 000		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Бюджетга ҚҚС тўланди	30 000	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Норезидентдан олинган ишлар ва хизматлар бўйича ҚҚС қандай ҳисобга олинади

ЎзР норезидентдан олинган ишлар ва хизматлар бўйича, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлса, ҚҚС ҳисобланг.

Эслатиб ўтамиз: ишлар ва хизматларни реализация қилиш жойи Солиқ кодексининг 202-моддасига мувофиқ аниқланади.

ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базани норезидентга тўланиши лозим бўлган суммадан келиб чиқиб, тўлов манбаида ушлаб қилинадиган фойда солиғи суммасини чегириб ташламаган ҳолда ҳисобланг. Олинган ишлар (хизматлар) учун чет эл валютасида ҳақ тўланса, солиқ солинадиган оборотни ушбу оборот амалга оширилган санадаги МБ курси бўйича сўмда қайта ҳисобланг.

Норезидентнинг ишлари (хизматлари) бўйича тўланган ҚҚСни, мазкур ишлардан ва хизматлардан солиқ солинадиган оборот учун фойдаланилса ва улар бўйича ҚҚС суммаси бюджетга тўланса, ҳисобга олинг (Солиқ кодексининг 207-моддаси). Солиқ тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ҚҚС суммасини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

МИСОЛ. Норезидентнинг хизматлари бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш

Ўзбекистон корхонаси 10 000 АҚШ долларлик маслаҳат бериш хизматларини кўрсатиш учун хорижий компания билан контракт тузди.

Ўзбекистон корхонаси контракт бўйича ҳақ тўлаш чоғида тўлов манбаида 20%лик ставкада фойда солигини ушлаб қолди ва хорижий компанияга 8 000 АҚШ долларини (10 000 – 10 000 x 20%) ўтказди.

Маслаҳат бериш хизматларини реализация қилиш жойи уларни олгучининг фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 4-банди). Сотиб олгучи Ўзбекистон корхонаси эканлигини ҳисобга олса, у мазкур хизматлар бўйича ҚҚС тўлаши шарт.

- божхона юк декларацияси — импорт қилганда;
- ҳақиқатда ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар, уларда ҳисобварақ-фактура учун мажбурий маълумотлар кўрсатилган бўлса.

«Кирувчи» ҚҚСнинг ҳисобварақ-фактурада ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатда ажратиб кўрсатилган суммасини ҳисобга олинг. Етказиб берувчи ҳужжатларда ҚҚС суммасини ажратиб кўрсатмаган бўлса, уни мустақил равишда ҳисоблаб чиқарманг ва ҳисобга олмаг.

Хорижий етказиб берувчилар импорт қилинган товарлар бўйича тақдим этган солиқларга нисбатан ҳам худди шу қоида қўлла-

нилади. Ушбу суммалар Ўзбекистон бюджетига келиб тушмаслиги сабабли уларни ҳисобга олиб бўлмайди. Бироқ қуйидаги ҳолларда харидорнинг ўзи ҚҚСни ҳисоблаб чиқариши ва бюджетга тўлаши, кейин эса уни ҳисобга олиши керак:

- товарлар импорт қилинганда (Солиқ кодексининг 218-моддаси);
- норезидентдан ишлар ва хизматлар олинганда, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлса (Солиқ кодексининг 207-моддаси).

Ҳисобварақ-фактура йўқ бўлса ёки у хато расмийлаштирилган бўлса, ҚҚСни ҳисобга олмаг;

ВАЗИЯТ. Тўлов терминали чеки асосида ҚҚСни ҳисобга олиш имконияти

Корпоратив карта ҳисобидан АЕҚШда хизмат автомобилга ёқилги кўйдирадиган ҳайдовчи бухгалтерияга ҳисобот ва ҚҚС ажратиб кўрсатилган терминал чекини топширди. Унга ҳисобварақ-фактура бермадилар. Терминал чеки асосида ҚҚСни ҳисобга олиш мумкинми?

Ўй, мумкин эмас, ҚҚСни ҳисобга олиш учун терминал чеки етарли эмас, АЕҚШдан ҳисобварақ-фактура беришни талаб қилиш зарур. Корпоратив банк картаси орқали амалга оширилган тўловлар бўйича ҳисобот ҳужжатлари сифатида тўлов терминали квитанцияларининг асл нусхалари, уларга шлова қилинган тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг «тўланди» муҳри қўйилган тўлов ҳужжатлари, шунингдек электрон тижорат битимларидаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар, шунини (ҳисобварақ-фактура) хизмат қилади (АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 9-банди).

- ҳисобварақ-фактурада ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган, бироқ етказиб берувчи ҚҚС тўловчиси бўлмаса.

2019 йил 1 июлдан товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар ҚҚС тўловчилари ҳисобланмайдиган етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактурасида кўрсатилган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқиغا эга эмаслар (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 10-банди).

МИСОЛ. Ҳисобварақ-фактурада ҚҚСни асосиз акс эттирганлик учун қўлланиладиган санкциялар

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона ҚҚС тўламайдиган етказиб берувчидан 10 000 минг сўмлик товарларни сотиб олди. Бунда етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада 2 000 минг сўм миқдоридagi ҚҚСни асосиз равишда ҳисоблади. ҚҚСни ҳисобга олганда товарларнинг умумий қиймати 12 000 минг сўмни ташкил этди.

ҚҚСни ҳисобварақ-фактурада асосиз равишда акс эттирилганлиги учун ҚҚС тўламайдиган етказиб берувчи ноқонуний ажратиб кўрсатилган ҚҚС суммасининг 20%и – 400 минг сўм миқдорида жарима тўлайди (Солиқ кодексининг 118-моддаси). Шунингдек унинг ҳисобварақ-фактурасида кўрсатилган ҚҚС суммаси – 2 000 минг сўмни тўлаши керак бўлади. Яъни у жами 2 400 минг сўмни (2 000 + 400) бюджетга ўтказди.

Ушбу вазиятда харидор корхонага нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди. Бироқ у бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилиши ва ноқонуний равишда ҳисобга олинган 2 000 минг сўм миқдоридagi ҚҚС суммасини тўлаши керак.

ҚҚС суммасини ҳисобга олишдан аввал ҚҚС тўловчиларнинг ягона реестри орқали етказиб берувчининг мақомини текшириб кўринг. Буни қуйидагилар орқали амалга ошириш мумкин:

- ДСҚ сайтида (www.soliq.uz) «ҚҚС тўловчиларни аниқлаш» тугмасини танлаб;
 - Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари порталида (<https://my.soliq.uz/nds/home>).
- Контрагентнинг ҳақида маълумот олиш учун қидирув функциясида фойдаланинг. Тегишли дарчада вилоят, туман номини танлаб, контрагент номини ёхуд унинг СТИРини киритинг. «Қидириш» тугмасини босиб, ҚҚС тўловчиси бўлган контрагент ҳақида қуйидаги маълумотларни olasiz:

- унинг номи;
 - СТИРи ва давлат рўйхатидан ўтган санаси;
 - ҚҚС тўлашга ўтган санаси;
 - ҚҚС тўловчиси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома санаси ва 2019 йилдан бошлаб ҳисобварақ-фактурада кўрсатиладиган 12 белгилли рўйхатдан ўтши коди;
 - ҚҚС бўйича охириги ҳисоб-китобни (қайта ҳисоб-китобни) тақдим этиш санаси;
 - охириги ҳисоб-китобга кўра ҳисобланган ҚҚС суммаси;
 - ҚҚС бўйича охириги тўлов суммаси ва уни амалга ошириш санаси.
- Ушбу сервис ёрдамида контрагентларни ўз вақтида текшириб, солиққа оид хатопиклар содир этилиши хавфини истисно этган бўласиз.

Импорт қилишда ҚҚС қандай ҳисобга олинади

«Импорт» ҚҚСни ҳақиқатда бюджетга тўланганидан кейин ҳисобга олинг. Солиқ бўлиб-бўлиб тўланаётган бўлса, тўланишига қараб ҳисобга олинг.

Импорт қилинган товарлардан солиқ солинадиган оборотлар учун, шу жумладан ноль даражали ставкадаги оборотлар учун фойдаланилгандагина ҚҚСни ҳисобга олиш мумкин.

МИСОЛ. «Импорт» ҚҚС бўлиб-бўлиб тўланганда уни ҳисобга олиш

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона 2019 йил май ойида товарни импорт қилиб, уни ички бозорда реализация қилди. Товарнинг контракт қиймати 169 718,2 минг сўмни ташкил этади.

Фарқлаб бўлмайдиган умумий харажатлар бўйича ҳам мутаносиб усулни қўлланинг. Одатда, улар асосий воситалар, номоддий активлар, шунингдек умумийлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини шакллантирувчи товарлар, ишлар ва хизматлар

бўйича харажатлардир. Масалан, ахборот ва маслаҳат бериш хизматлари, ижара тўлови ва х.к. харажатлар умуман корхона фаолиятига тааллуқли бўлса, улар бўйича «кирувчи» ҚҚСни тақсимланг.

ВАЗИЯТ. Корхона умумий харажатлар бўйича ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммасини мутаносиб аниқлаш усулини қўллайдиган 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи қурилиш корхонаси қуйидаги ишларни бажаради:

- ҚҚС солинадиган қурилиш-монтаж ишлари;
- аҳоли томонидан ХУМШ орқали ҳақи тўланадиган ва ҚҚС солинмайдиган уй-жой фондиди таъмирлаш ишлари (Солиқ кодексининг 208-моддаси 24-банди).

Ҳисобот ойда ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларни ижарага олиш харажатлари 6 000 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан ҚҚС – 1 000 минг сўм.

Бир ойда умумий оборотда ҚҚС солинадиган оборот угули 70%ни, солиқ солинмайдиган угули 30%ни ташкил этди. Бинобарин, корхона 700 минг сўм (1 000 x 70%) миқдоридagi ижара бўйича ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин.

ҚҚС бўйича ҳисобга олинган суммага қачон тузатиш киритиш лозим

Муайян ҳолларда «кирувчи» ҚҚС суммасига тақсимлангандан кейин қуйидаги кўринишда тузатиш киритилиши керак:

- илгари ҳисобга олинган ҚҚС суммасини ҳисобга олишдан чиқариб ташлаш;

- илгари товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида киритилган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш.

Илгари ҳисобга олинган ҚҚС қачон ҳисобга олишдан чиқариб ташланади

Қуйидаги ҳолларда ҳисобга олинган ҚҚСни ҳисобга олишдан чиқариб ташланг:

- товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган, шу жумладан ноль даражали ставкада солиқ солинадиган

оборотлар учун фойдаланилиши керак бўлган, амалда эса солиқ солинмайдиган оборотлар учун фойдаланилган бўлса;

- корхона товарларни харид қилмаётган пайтда ҚҚС тўловчиси бўлган, кейинчалик эса солиқ тўламайдиганлар тоифасига ўтган бўлса.

ВАЗИЯТ. Корхона солиқ солинмайдиган оборотлар учун фойдаланилган товарларга доир ҚҚС бўйича ҳисобга олинган суммага тузатиш киритади

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи қурилиш корхонаси буортмачиларнинг объектларида қурилиш-монтаж ишларини бажаради. У ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун алоҳида-алоҳида усулни қўллайдиган.

Май ойида корхона 60 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 10 000 минг сўм, қурилиш материалларини харид қилди. Май ойида ҚҚС солинмайдиган оборотлар бўлмади, шу сабабли «кирувчи» ҚҚСнинг бутун суммаси (10 000 минг сўм) ҳисобга олинди.

Корхона июнь ойида уй-жой фондиди таъмирлаш ишларини бажарди. Бундай ишларга аҳоли томонидан хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали ҳақи тўланади ва ҚҚС солинмайди (Солиқ кодексининг 208-моддаси 24-банди). Уларни бажариш чоғида май ойида олинган, улар бўйича ҚҚС ҳисобга олиб бўлинган материаллардан ҳам фойдаланилди. Материаллар қиймати ҚҚСсиз 15 000 минг сўмни ташкил этди. Бинобарин, улар бўйича ҚҚС суммаси – 3 000 минг сўмни (15 000 x 20%) ҳисобга олишдан чиқариб ташлаш ва бажарилган ишлар таннархига киритиш керак.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилишини қуйидагича акс эттиринг:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дebet	Кредит
Май ойида материаллар харид қилинди	50 000	1050-«Қурилиш материаллари»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Харид қилинган материаллар бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	10 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	
Материаллар бажарилган ишлар таннархига ҳисобдан чиқарилди: май ойида – ҚҚС солинадиган июнь ойида – ҚҚС солинмайдиган	35 000 15 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1050-«Қурилиш материаллари»
Май ойида ҳисобга олинган ҚҚС суммасига июнь ойида тузатиш киритилди	3 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

ВАЗИЯТ. Корхона ҚҚС тўламайдиганлар тоифасига ўтаётганда ҚҚС бўйича ҳисобга олинган суммага тузатиш киритади

Умумбелгиланган солиқлар, шу жумладан 20%лик ставка бўйича ҚҚС тўловчиси бўлган корхона май ойида 60 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 10 000 минг сўм, товарларни харид қилди. ҚҚС белгиланган тартибда ҳисобга олинди. Июнь ойида таннархи 40 000 минг сўмлик товарларнинг бир қисми реализация қилинди.

1 июлдан корхона ҚҚС тўламайдиган ЯСТ тўловчилар тоифасига ўтказилди ва қолган товарларни ҚҚСсиз реализация қилди. Илгари ҳисобга олинган, 1 июлдан кейин реализация қилинган товарларга тўғри келадиган ҚҚС суммасига тузатиш киритиш зарур. Тузатиш киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 2 000 минг сўмни ((50 000 – 40 000) x 20%) ташкил этади. Уни бюджетга ҳисоблаб ёзиш ва товарлар қийматида киритиш керак.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоба олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилишини қуйдагича акс эттирина:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
Май ойида товарлар харид қилинди	50 000	2910-«Омбордаги товарлар»	6010-«Мол етказиб бериучилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Харид қилинган товарлар бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	10 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)»
Июнь ойида реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	40 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Омбордаги товарлар»
Товарлар қолдиғига тўғри келадиган ва илгари ҳисоба олинган ҚҚС суммасига июль ойида тузатиш киритилди	2 000	2910-«Омбордаги товарлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Июль ойида реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди (50 000 – 40 000 + 2 000)	12 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Омбордаги товарлар»

Илгари товарлар (ишлар, хизматлар) қийматига киритилган ҚҚС қачон ҳисоба олинади

Қуйдаги ҳолларда товарлар (ишлар, хизматлар) қийматига киритилган ҚҚСни ҳисоба олинг:

- товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинмайдиган оборотлар учун фойдаланилиши керак бўлган, амалда эса солиқ солинадиган оборотлар учун фойдаланилган бўлса;
- корхона товарларни харид қилаётган пайтда ҚҚС тўловчиси бўлмаган, кейинчалик эса солиқ тўловчилар тоифасига ўтган бўлса.

ВАЗИЯТ. Корхона солиқ солинадиган оборотлар учун фойдаланилган товарлар бўйича ҳисоба олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритади

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи қурилиш корхонаси уй-жой фондиди таъмирлайди. Ишга аҳоли томонидан ХУМШ орқали ҳақ тўланади ва ҚҚС солинмайди (Солиқ кодексининг 208-моддаси 24-банди). Қурилиш материалларини етказиб бериучиларга тўланган ҚҚС уларнинг харид қийматига киритилади.

Корхона май ойида 60 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 10 000 минг сўм, қурилиш материалларини харид қилди. Май ойида солиқ солинадиган оборотлар бўлмади, шу сабабли «кирувчи» ҚҚСнинг бутун суммаси (10 000 минг сўм) материалларнинг харид қийматига киритилди.

Корхона июль ойида ҚҚС солинадиган қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Уларни бажариш чоғида май ойида олинган, қийматига ҚҚС киритилган материаллардан фойдаланилди. Фойдаланилган материаллар қиймати ҚҚСни ҳисоба олинганда 18 000 минг сўмни ташкил этди. Бинобарин, улар бўйича ҚҚС суммаси – 3 000 минг сўмни (18 000 / 120 x 20) бажарилган ишлар таннархидан чиқариб ташлаш ва ҳисоба олиш лозим.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоба олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилишини қуйдагича акс эттиринг:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
Май ойида материаллар харид қилинди	60 000	1050-«Қурилиш материаллари»	6010-«Мол етказиб бериучилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Июнь ойида материаллар ҚҚС солинадиган бажарилган ишлар таннархига ҳисобдан чиқарилди	18 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1050-«Қурилиш материаллари»
Июль ойида ҳисоба олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилди	3 000 (сторно)	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)»
	3 000	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)»

ВАЗИЯТ. Корхона ҚҚС тўловчилар тоифасига ўтаётганда ҚҚС бўйича ҳисоба олинган суммага тузатиш киритади ҚҚС тўловчиси бўлмаган корхона май ойида 60 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 10 000 минг сўм, товарларни харид қилди. ҚҚС товарлар таннархига киритилди.

Июнь ойида таннархи 48 000 минг сўмлик товарларнинг бир қисми реализация қилинди.

1 июлдан корхона умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўлашга ўтди ва қолган товарларни ҚҚСни ҳисоба олган ҳолда реализация қилди.

1 июлдан кейин реализация қилинган товарларга тўғри келадиган ва илгари товарлар таннархига киритилган ҚҚС суммасига тузатиш киритиш зарур. Тузатиш киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 2 000 минг сўмни ((60 000 – 48 000) / 120 x 20%) ташкил этади. Уни товарлар қийматидан чиқариб ташлаш ва ҳисоба олиш керак.

СОЛИҚ 4 БОЖХОНА

№ 34 (1306) = 2019 йил 20 август

12

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоба олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилишини қуйдагича акс эттиринг:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
Май ойида товарлар харид қилинди	60 000	2910-«Омбордаги товарлар»	6010-«Мол етказиб бериучилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Июнь ойида реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	48 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Омбордаги товарлар»
Товарлар қолдиғига тўғри келадиган ва илгари уларнинг таннархига киритилган ҚҚС суммасига июль ойида тузатиш киритилди	2 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)»
Июль ойида реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди (60 000 – 48 000 – 2 000)	10 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Омбордаги товарлар»

ҚҚСни қачон ҳисоба олиш мумкин

Товарларни, ишларни ва хизматларни реализация қилиш чоғида ҳисобланган ҚҚСни ҳисоба олинмайдиган солиқ суммасига камай-тиришга ҳақсиз (Солиқ кодексининг 224-моддаси). Бироқ бунинг учун муайян шартларга риоя этиш зарур. Уларни батафсил қўриб чиқамиз.

Ким ҚҚСни ҳисоба олиш ҳуқуқига эга

Умумбелгиланган тартибда – 20%лик ставкада ҚҚС тўласангиз, ҳисоба олиш ҳуқуқидан фойдаланишингиз мумкин. Фаолият турларига қараб турли ставкаларда соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчилар «кирувчи» ҚҚСни ҳисоба ололмайдилар (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси). Улар уни харид қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар қийматига киритадилар.

Одатда, етказиб бериучи кўрсатган ҚҚС суммаси ҳисоба олинади. Бироқ айрим ҳолларда ўзингиз мустақил равишда ҳисоблайдиган ва бюджетга тўлайдиган ҚҚС ҳисоба олинади.

Қачон ҚҚСни ҳисоба олиш мумкин

Умумий қоидага қўра, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича «кирувчи» ҚҚСни ҳисоба олишингиз мумкин. Бунда қуйдаги 3 та шарт бажарилиши лозим (Солиқ кодексининг 218-моддаси):

1) солиқ солишининг умумбелгиланган тартиби бўйича ёхуд ЯСТ тўлаш билан бирга ихтиёрий равишда 20%лик ставкада ҚҚС тўловчиси бўлишингиз керак;

2) олинган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноъл даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилиши;

3) етказиб бериучи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатда «кирувчи» ҚҚС алоҳида ажратиб кўрсатилган бўлиши (Солиқ кодексининг 222-моддаси).

1-шарт: товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи – 20%лик ставкада ҚҚС тўловчиси

Умумбелгиланган тартибда – 20%лик ставкада ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган бўлсангиз, ҚҚСни ҳисоба олинг.

2-шарт: хариддан ҚҚС солинадиган оборотлар учун фойдаланилади

Фақат ҚҚС солинадиган товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚСни ҳисоба олинг (Солиқ кодексининг 199, 200-моддалари).

МИСОЛ. ҚҚС солинадиган ва ҚҚС солинмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришда ҚҚСни ҳисоба олиш

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона ҚҚСдан озод қилинган китоб маҳсулотларини (Солиқ кодексининг 208-моддаси 19-банди) ва реализация қилинганда ҚҚС солинадиган реклама буклетларини ишлаб чиқаради.

Ҳисобот ойида 6 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 1 000 минг сўм, материаллар ҚҚСдан озод қилинган китоб маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун харид қилинди. 1 000 сўм миқдоридеги «кирувчи» ҚҚС ҳисоба олинмайди, балки материалларнинг харид қийматига киритилади. Улар 6 000 минг сўмлик қийматда ҳисоба олинади.

Шунингдек 4 200 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 700 минг сўм, материаллар реклама буклетларини ишлаб чиқариш учун харид қилинди. 700 минг сўм миқдоридеги «кирувчи» ҚҚСни ҳисоба олиш мумкин. Материаллар эса 3 500 минг сўмлик (4 200 – 700) қийматда ҳисоба олинади.



Ресурсларни ҚҚС солинадиган оборотлар учун харид қилиб, «кирувчи» ҚҚСни ҳисоба олган, бироқ кейинчалик улардан солиқ солинмайдиган оборотлар учун фойдаланган бўлсангиз, ҳисоба олинган ҚҚСга тузатиш киритинг (Солиқ кодексининг 220-моддаси). ҚҚС тўламайдиганлар тоифасига ўтганда ҳам тузатиш киритинг.

3-шарт: тўғри расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура

ҚҚСни ҳисоба олишининг асосий шартларидан бири – тўғри расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура ёки унинг ўрнини босадиган, ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган ҳужжатнинг мавжудлиги (Солиқ кодексининг 222-моддаси 3-қисми).


Қуйдагилар ҳисобварақ-фактура ўрнини босади:

- йўл чипталари – йўловчиларни ташиш расмийлаштирилганда;
- НКМ, терминал чеклари ва квитанциялар – аҳоли билан ҳисоблашганда;

Кўрсаткич номи	2019 йил августдан ҳисоб-китоблар учун фойдаланиладиган ЭКИХ	Асос
Дала устамаси ҳисобланганда	223 000 сўм	Дала шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала устамаси тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 2.07.2012 йилдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган) 4-банди
Табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган банд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун иш ҳақиға белгиланган туман коэффицентлари қўлланганда – 4 ЭКИХ	223 000 сўм	ВМнинг 4.09.1992 йилдаги 407-сон қарори 4-банди, ВМнинг 20.04.1992 йилдаги 200-сон қарори
Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда 200 ЭКИХдан кўп миқдори ташкил этганда фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳисоб-китоби. Солиқ даврида солиқ суммаси 200 ЭКИХ дан кўпни ташкил этганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар ҳисоб-китоби	Жорий йилнинг III чораги учун июль ойида ЭКИХ – 202 730 сўм, август–сентябрь ойларида – 223 000 сўм қўлланилади.	Солиқ кодексига мувофиқ: ✓ 164-модда (юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи); ✓ 264-модда (сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ)
Давлат божлари	223 000 сўм (тўлов санасида)	Давлат божи ставкалари (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган)
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ молиявий санкциялар тарзидаги жарималар: ✓ ДСХОда ҳисобга туришдан бўйин товлаши (Солиқ кодексининг 113-моддаси); ✓ НКМ ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузганлик учун (Солиқ кодексининг 119-моддаси)	223 000 сўм (ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда)	Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 18.06.2010 йилдаги «Иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 210-сон қарорининг 5-бандидан
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ жарималар	223 000 сўм (маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ушбу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтда, жиноят содир этилганда эса у содир этилган вақтда)	МЖТКнинг 25-моддаси 2-қисмига, бошқа тегишли НХҲлар, шунингдек Олий суд Пленумининг 3.02.2006 йилдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сон қарорининг 16-бандига мувофиқ
Имзоланадиган бонус ставкалари	223 000 сўм (лицензия олинган санада)	26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 11-илова

Татьяна ЛИМАРЕВА.

ҲИСОБ-КИТОБЛАРДА ҚАНДАЙ ЭКИХ ҚЎЛЛАНИЛАДИ



2019 йил 1 августдан энг кам иш ҳақи (ЭКИХ) миқдори ўзгарди. Бухгалтерларга қулай бўлиши учун қайси ҳолатларда 1 январга бўлган ЭКИХ – 202 730 сўм, қайсиларида эса 2019 йил 1 августдан жорий этилган ЭКИХ – 223 000 сўм қўлланилиши кўрсатилган жадвални тақдим этамиз.

Эслатиб ўтамиз, 1 сентябрдан ЭКИХ кўрсаткичи базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) деб номланади. Ушбу йиғма жадвалда ЭКИХ тез-тез қўлланиладиган вазиятлар акс эттирилган:

Кўрсаткич номи	2019 йил августдан ҳисоб-китоблар учун фойдаланиладиган ЭКИХ	Асос
Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга берилadиган имтиёзли моддий ёрдам суммаси – 12 ЭКИХгача (Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-банди)	202 730 сўм	
Ҳисобот даври учун имтиёзли моддий ёрдам суммаси – 12 ЭКИХгача, унга қуйидаги тўловлар киритилади: ✓ ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; ✓ бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан берилadиган тўловлар; ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар	202 730 сўм	
Ходимлар натура шаклида олган совғаларнинг имтиёзли суммаси – 6 ЭКИХгача (Солиқ кодексининг 179-моддаси 14-банди)	202 730 сўм	Солиқ кодексининг 186-моддаси 1-қисми
Илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдамнинг имтиёзли суммаси – 6 ЭКИХгача (Солиқ кодексининг 179-моддаси 14-банди)	202 730 сўм	
Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ЭКИХнинг 12 баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси (Солиқ кодексининг 179-моддаси 20-банди)	202 730 сўм	
Айрим жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун 4 ЭКИХ миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилиниши (Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисми)	202 730 сўм	

Кўрсаткич номи	2019 йил августдан ҳисоб-китоблар учун фойдаланиладиган ЭКИХ	Асос	
Бир ой учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг энг кам ойлик меҳнат ҳақи миқдори – ЯТС бўйича биринчи разряд (Меҳнат кодексининг 155-моддаси)	634 881 сўм (223 000 x 2,847)	Ягона тариф сеткаси (ВМнинг 21.07.2009 йилдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган), биринчи разряд 2,847 ЭКИХга тенг	
Айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун ЯИТ (Солиқ кодексининг 311-моддаси): 1) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ойига 1 ЭКИХдан кам бўлмаган миқдорда;	223 000 сўм	Солиқ кодексининг 311-моддаси 4-қисми	
2) якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан (якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари) – ойига 1 ЭКИХнинг 50%и миқдорда;	223 000 сўм		
3) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан: ✓ якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан – ойига 1 ЭКИХдан кам бўлмаган миқдорда; ✓ оиланинг бошқа аъзолари томонидан (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – ойига 1 ЭКИХнинг 50%и миқдорда;	223 000 сўм		
4) қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандчилик субъектлари – «Хунарманд» уюшмасининг аъзолари томонидан – ойига 1 ЭКИХнинг 50%и миқдорда;	223 000 сўм		
5) «Уста-шогирд» мактаби ўқувчилари томонидан уларнинг 25 ёшга тўлгунча қадар бўлган иш даврида – йилига 2,5 ЭКИХдан кам бўлмаган миқдорда;	223 000 сўм		
– юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришга ётган жисмоний шахслар – йилига 1 ЭКИХдан кам бўлмаган миқдорда. Бунда деҳқон хўжалиги раҳбари ЯИТни мажбурий тартибда, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди;	223 000 сўм		
– ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи хунармандчилик субъектлари – «Хунарманд» уюшмасининг аъзолари ЯИТни тўлашдан озод этилади. Юқорида кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун эса ЯИТ миқдори – 1 ЭКИХнинг камида 50%. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади	223 000 сўм		
Болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа – 2 ЭКИХ	223 000 сўм		
			7.08.2018 йилдаги ПФ-5504-сон Фармон билан киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда

СОЛИҚ ҲАҚЛАРИНИ
БОЖХОНА

№ 34 (1306) • 2019 йил 20 август

14

Кўрсаткич номи	2019 йил августдан ҳисоб-китоблар учун фойдаланиладиган ЭКИХ	Асос
Маълумот учун: ишлаётган оналарга болани 2 ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа иш берувчи томонидан корхоналарда ўз маблағлари ҳисобидан тўланади (Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 5, 13-бандлари). Ишламайдиган оналар ва бюджет соҳаси ходимларига бола парвариши бўйича нафақа, шунингдек кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ва бюджетдан ташқари манбалардан Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом доирасида тўланади		
Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа – 2 ЭКИХ	223 000 сўм	Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (рўйхат рақами 1136, 8.05.2002 йил) 79-банди
Дафн этиш маросими учун нафақа – 3 ЭКИХ	223 000 сўм	Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (рўйхат рақами 1136, 8.05.2002 йил) 89-банди; Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган) 12-банди
Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун фойдаланганлик учун компенсация	223 000 сўм	Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартиби (ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган)
Хизмат сафарида бўлган вақт учун суткалик харажатлар: ✓ Тошкент шаҳрида, шаҳарлар – вилоятлар марказларида – 0,1 ЭКИХ; ✓ бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда – 0,08 ЭКИХ; Тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда турар жой ижараси бўйича харажатлар – ҳар бир сутка учун 0,02 ЭКИХ	223 000 сўм	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йуриқнома (рўйхат рақами 1268, 29.08.2003 йил)
Ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлган ишларга устамалар ҳисобланганда	223 000 сўм	Мулкчилик шакли ва олиб бораётган фаолият туридан қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда иш хусусияти, доимий иши йўлда кечадиган ёки кўчиб юриш ва ҳаракатланишдан келиб чиққан ҳолда устамалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Меҳнат вазирлигининг 17.11.1992 йилдаги 11/30-сон қарори билан тасдиқланган) 11-банди

2

СОЛИҚ ҲАҚЛАРИНИ
БОЖХОНА

www.nfm.uz

№ 34 (1306) • 2019 йил 20 август

№ 34 (1306) • 2019 йил 20 август

www.nfm.uz

СОЛИҚ ҲАҚЛАРИНИ
БОЖХОНА

3

ХАЛҚАРО БИТИМЛАР АСОСИДА ИМТИЁЗ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР

? *Илгари газетада мамлакатимиз бошқа давлатлар билан божхона имтиёзлари тақдим этиш тўғрисидаги шартномалар имзолангани ҳақидаги маълумотлар мунтазам бериб борилар эди. Анчадан бери бундай маълумотлар берилмаяпти. Илтимос, шундай мақолани НХХларга ҳавола-лар билан чоп этишингизни сўраймиз, бу импорт қилиш чо-гида божхона қийматини аниқлаш учун зарурдир.*

Дилдора Т.

– Божхона кодексига мувофиқ тариф преференциялари божхона божларини тўлашдан озод этиш, божхона божлари ставкаларини камайтириш ёки муайян давлатларда ишлаб чиқарилган товарларни божхона ҳудудига преференциал олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан преференциал олиб чиқишда квоталар белгилаш тарзида бериллади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қуйидаги товарларга нисбатан божхона божлари қўлланилмайди:

- ЎЗР билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки республика эркин савдо режимини белгилаган давлатларда ишлаб чиқарилган ва ушбу давлатлардан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга;
- ЎЗРда ишлаб чиқарилган ва унинг божхона ҳуду-

Эркин савдо режимда

Ўзбекистон Республикаси ва МДХ давлатлари ўртасида 2011 йил 18 октябрдаги МДХ эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномани унинг тарафлари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан қўлланилиши ҳақида баённома имзоланди (*Минск, 31.05.2013 йил*).

Баённома Ўзбекистонни МДХ доирасидаги ҳамкорликка янада фаол равишда қўшиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон билан Божхона иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида савдо режимларини унификациялаш учун ишлаб чиқилди. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг (*илгари Ташқи савдо вазирлиги бўлган*) 29.10.2015 йилдаги АМ-01/19-7279-сонли тушунтиришига кўра Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Қозғистон Республикаси ўртасидаги савдода Баённома қоидаларига мувофиқ эркин савдо режимдан импорт олиб қўйишларни қўллаш назарда тутилмаган. Яъни **ўзаро етказиб беришларда барча товарларга нисбатан импорт божхона божлари ундирилмайди.**

Баённомада назарда тутилишича, 2020 йил 31 декабр-гача бўлган даврда ёки ЎЗРнинг ЖБТга қўшилишига қадар (*ушбу саналардан қайси бири олдинроқ келиши-*

Энг кўп қулайлик бериш режимда

Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридаги божхона божлари ЎЗР савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан, товарни жўнатувчи ва экспорт қилувчи мамлакатдан қатъи назар, қўлланилади.

Энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган давлатлар рўйхатига (*АВ томонидан 8.04.1998 йилдаги 426-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) **45 та давлат** киритилган.

Бунда Эрон Ислום Республикасида ва Сингапур Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича тариф преференциялари фақат айрим товарларга нис-

батан ЎЗР билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки Ўзбекистон эркин савдо режимини белгилаган давлатларга олиб чиқилган товарларга.

Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридаги божхона божлари ЎЗР савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини (ЭКР) қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан, товарни жўнатувчи ва экспорт қилувчи мамлакатдан қатъи назар қўлланилади.

Савдо-иқтисодий муносабатларда ЭКР назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлақати аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларининг ставкалари икки баравар оширилади (*Божхона кодексининг 300-моддаси*).

га қараб) Ўзбекистон ва шартнома тарафлари Тарифлар ва савдо бўйича Бош битимнинг (*30.10.1947 йил, ГАТТ-1947*) III моддасига мувофиқ ўзаро савдо қилишда миллий режимнинг тақдим этилиши бўйича мажбуриятлардан озод этилади. Шунингдек низоли масалаларни иккиёқлама музокаралар асосида ҳал этиш тартибини сақлаб қолиш назарда тутилган.

Товар ишлаб чиқарилган давлатни аниқлашда Ўзбекистон ва шартнома тарафлари ўртасида Қоидалар (*24.09.1993 йилдаги МДХ ҳукуматлари раҳбарлари кенгашининг қарори билан тасдиқланган*) қўлланилади. Бунда тарафларнинг розилиги билан келиб чиқиш қоидалари бўйича бошқа шартномаларни қўллаш мумкин.

Баённомага 1-иловада товарларни импорт ва экспорт қилишга нисбатан қўлланиладиган божхона божлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Баённомаси доирасида Баённомани имзолаган тарафларнинг божхона ҳудудларида ишлаб чиқарилган товарларни импорт қилаётганда божхона божларини қўлламайди.

Шунингдек Ўзбекистон Баённома тарафларининг божхона ҳудудлари учун мўлжалланган товарлар экспорт қилинадиган вазиятларда божхона божини қўлламайди.

батан тақдим этилади. Уларнинг рўйхати алоҳида халқаро шартнома билан тасдиқланган:

Эрон Ислום Республикаси – 2003 йил 17 июндаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Эрон Ислום Республикаси Ҳукумати ўртасида ўзаро савдода преференциялар тақдим этиш бўйича ўзаро ахдлашув меморандумига Ижро баённомасига (*Тошкент, 4.01.2005 йил*) 2-иловада келтирилган товарлар бўйича;

Сингапур Республикаси – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Сингапур Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимга (*Сингапур, 25.01.2007 йил*) «А» иловада кўрсатилган товарлар бўйича.

? *Сўнги йилларда кўп тақиқлар ва чекловлар олиб ташланди. Туркиялик тадбиркор фирмасига кўй териси (хўл, тузланган кўринишда) етказиб бериш таклифи билан бизга мурожаат қилди.*

Бундай маҳсулотни экспорт қилса бўладими? Уни олиб чиқишга тақиқ бекор қилинганми?

С.Ҳабибуллаев.

ТЕРИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНЯТИ

– Президентнинг 15.12.2017 йилдаги ПФ-5286-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорларига асосан экспорт қилинадиган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхати (1-илова) тасдиқланган. Унга, хусусан, **4101-4107, 4112 00 000 0-4114, 4301-4302 ТИФ ТН кодлари остида кўнчилик хом ашёси (ностандартлари ҳам кирди), момик мўйна хом ашёси, шу жумладан қоракўл (ностандартлари ҳам кирди)** киритилган.

Тегишинча, айтиб ўтилган маҳсулотни экспорт қилиш учун ЎЗР Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўлиши зарур.

ХУСУСИЙ ШАҲС УЧУН СЕРТИФИКАТСИЗ МЕБЕЛНИ ОЛИБ КЕЛИШ

? *Хусусий шахс номига келган юкни (уй учун мебель) сертификатлаштириш керакми?*
Мохира Турсуновна.

– Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидаларининг (*АВ томонидан 18.03.2005 йилда 1458-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) 50-1-бандида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, **мувофиқлик сертификати тақдим этилмаган** божхонада расмийлаштирилишига рухсат бериладиган товарлар санаб ўтилган. Улар жумласига, хусусан, **жисмоний шахслар томонидан ЎЗР ҳудудига олиб кириладиган (транспорт воситаларидан ташқари) но-тижорат мақсадлари учун мўлжалланган товарлар** кирди.

Жисмоний шахслар томонидан **тижорат мақсадларида** божхона ҳудудига олиб кирилган ўхшаш (бир хилдаги) товарлар: уларнинг божхона қийматидан қатъи назар, мувофиқлик сертификати мавжуд бўлганда, белгиланган тартибда божхонада расмийлаштирилади.

«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

ИМПОРТ ТОВАРНИ ТЎҒРИ КИРИМ ҚИЛАМИЗ

Бухгалтерларда молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 20.08.2018 йилда 1364-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 22-сон БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га (АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўзгартиришлар киритилгандан кейин импорт битимлар бўйича харид қилинган товар-моддий бойликларни бухгалтерия ҳисоботида тўғри акс эттириш юзасидан савол юзага келди.



санасидаги МБ курси қўлланилган, яъни 40-«Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режими (Тасниф-лағич, АВ томонидан 6.04.2016 йилда 2773-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқномага 3-илова).

Қачон ТМЗни актив сифатида эътироф этса бўлади

I. 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»нинг (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 8-бандига мувофиқ товар-моддий захиралар актив сифатида тан олинади, агар:

- ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;
- актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;
- уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Товар-моддий захираларга бўлган мулк ҳуқуқи, улар билан боғлиқ харатлар ва муқофотларнинг ўтиш пайти унинг шартлари келишиладиغان етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

II. Фуқаролик кодексига (185-модда) мувофиқ шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, **ашё топширилган пайтдан бошлаб** вужудга келади.

III. Инкотермс атамаларида тартибга солинадиган асосий принциплардан бири **товарни етказиб бериш санаси**, яъни **сотувчи томонидан товарни харидор ёки унинг вакили, масалан, транспорт ташкилоти тасарруфига ҳақиқатда бериш** вақтини ва, тегишича, сотувчининг етказиб бериш муддатлари бўйича ўз мажбуриятларини бажариши ёки бажармаслигини белгилаш ҳисобланади.

Импорт қилаётганда қачон товарга мулк ҳуқуқи ўтади

I. Шартномада товарни Ўзбекистондан ташқарига юклаб жўнатиш назарда тутилган, яъни мулк ҳуқуқи товар етказиб берувчи томонидан харидорга ёки унинг вакилига, масалан, экспедитор ёхуд транспорт компаниясига юклаб жўнатилган санада юзага келган бўлса.

МИСОЛЛАР:

Инкотермс-2010, EXW асосий ташувнинг транспорт тури – харидор товарни шартномада кўрсатилган сотувчининг оморидан олиб кетади ҳамда асосан шартнома шартига кўра мулк ҳуқуқи сотувчидан харидорга ўтади;

FCA Инкотермс-2010 – етказиб беришнинг мазкур режими божхона тозаловидан ўтган товарнинг ташувчида ўтишини назарда туттади. Бу ўринда товар ташувчи томонидан қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб сотувчининг етказиб бериш бўйича мажбуриятлари бажарилган, деб ҳисобланади. юкни қабул қилиб олиш жойини харидор кўрса тади.

II. Шартномада мулк ҳуқуқи божхона чегарасида ўтиши назарда тутилган бўлса.

МИСОЛ:

СРТ, СІР Инкотермс-2010 – харидор товарни у етказиб берилишидан кейинроқ дарҳол қабул қилиши ва товарни етказиб берувчидан мўлжалда кўрсатилган жойда қабул қилиб олиши керак, бу ўринда етказиб бериш ва ташини сотувчининг мажбурияти ҳисобланади. Шу тариқа, мулк ҳуқуқи божхона чегарасида ўтади, яъни бу 70-«Вақтинча сақлаш» режими.

Ўзгартиришлар чет эл валютасига олинган ТМЗ баҳосига қандай таъсир кўрсатди

22-сон БҲМСга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиши муносабати билан (21.11.2018 йилдан қучга кирган) чет эл валютасида харид қилинган ТМЗни баҳолаш, уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларида кўр-

сатилган қийматидан келиб чиқиб, активларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш (мулк ҳуқуқининг ўтиши) санасидаги МБ курси бўйича қайта ҳисоблаб аниқланади. *Илгари БЮДни тўлдириш ҳамда божхона божлари ва йиғимларини тўлаш*

Бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади

МИСОЛ. Импорт шартномасига биноан товар 70-«Вақтинча сақлаш» режимида жойлаштирилганда 2019 йилнинг 5 январидан мулк ҳуқуқи ўтди. Товар шу йилнинг 28 февралда 40-«Эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимида жойлаштирилди ва шу санада барча божхона божлари ва йиғимлари тўланди. Товарнинг қиймати – 10 000 АҚШ доллари. 5.01.2019 йилдаги курс – 8 336,25 сўм, 28.02.2019 йилдаги курс – 8 403,19 сўм. божхона йиғимлари 1 608 638 сўмни, божхона божси – 25 209 570 сўмни ташкил этди. ҚҚС – 21 848 294 сўм, сертификатлаш ва бошқа харажатларга 2 800 000 сўм кетди. Товар божхона оморидан қорхона оморига 2019 йилнинг 1 мартда олиб ўтилган.

Сана	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сўтлар корреспонденцияси		Сумма, сўм
		дебет	кредит	
5.01.2019 йил	Товар бухгалтерия ҳисоби сўтларига кирим қилинган (2 вариант: «Йўлдаги товарлар» ёки «Материалларни тайёрлаш ва харид қилишнинг ҳисобга олувчи сўтлар») /	2970-«Йўлдаги товарлар» ёки 1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилишнинг ҳисобга олувчи сўтлар»	6011	8 336,25 курси бўйича \$ 10 000 – 83 362 500
28.02.2019 йил	Божхона йиғимлари	1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилишнинг ҳисобга олувчи сўтлар»	6990-«Божқа мажбуриятлар»	1 608 638
28.02.2019 йил	Божхона божлари	1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилишнинг ҳисобга олувчи сўтлар»	6990-«Божқа мажбуриятлар»	25 209 570
28.02.2019 йил	Умумбелгиланган солиқларни тўловчи божхонада тўлаган ҚҚС	4420	6990-«Божқа мажбуриятлар»	21 848 294
28.02.2019 йил	Сертификатлаш ва бошқалар	1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилишнинг ҳисобга олувчи сўтлар»	6990-«Божқа мажбуриятлар»	2 800 000
28.02.2019 йил	Омбордаги товарлар	2910- «Омбордаги товарлар»	2970-«Йўлдаги товарлар» / 1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилишнинг ҳисобга олувчи сўтлар»	112 980 708

ТМЗни баҳолаш бўйича операциялар нотўғри акс эттирилса товар таннархи ҳам бузиб кўрсатилади, солиқ солинадиган фойда ҳам, тегишича, солиқ солиш ҳам хато белгиланади.

Эслаб ўтайтиш, бухгалтерия ҳисоботини бузиб кўрсатиш ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 175-1-моддаси), агар у солиқ солишга катта таъсир кўрса-

тадиган бўлса, бошқа молиявий жарималар ҳам қўлланилади.

Шунинг учун мазкур операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишга ўз вақтида эътибор бериш, ҳисоб юритиш бўйича дастурларни (1 С, 1 УЗ ва бошқалар) тақдим этадиган ташкилотларга улар дастурларнинг конфигурациясига тузатишларни барвақт кирита олиши учун ўз вақтида тавсиялар бериш лозим бўлади.

Светлана ЗАМИЛЬЕВА, «Profi Training» бизнес-трениери, «Svanta» СМТ МЧЖнинг бухгалтерия ва молия бўйича эксперти.

<p>СОЛИК ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқди.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ</p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p>	<p>Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Талимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
---	---	---	--	--